

63  
ЖК-91,  
Рўзимат ЖҰРАЕВ, Наримон ДЕҲҚОНОВ



ҲИНДИСТОННИНГ  
ЯНГИ ТАРИХИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Рўзимат ЖўРАЕВ**  
**Наримон ДЕҲҚОНОВ**

# **ҲИНДИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ**

*(ўқув-ўқувчи қўланма)*

«НАМАНГАН» нашриёти  
2010

Мазкур қўлланма Наманган Давлат университети ўқув-услубий кенгашининг 2010 йил 24 февралдаги 7-сонли йиғилишида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.

**Масъул муҳаррир:** тарих фанлари номзоди, доцент **БАХТИЁР ИСОҚОВ**

**Такризчилар:** тарих фанлари номзоди **БЕКЗОТ ТУРСУНОВ**

тарих фанлари номзоди **МАЪРУФ ҚАЮМОВ**

*Жаҳон тарихида Осиё мамлакатларининг тутган ўрни беқиёсдир. Қитъада ўзига хос тарих, маданият ва ҳужаликка эга мамлакатлардан бири Ҳиндистондир. Унинг янги даврдаги тарихи нисбатан кам ўрганилган. Бугунги кунда шу мавзуга оид ўзбек тилидаги ўқув қўлланмасига эҳтиёж катта. Ушбу қўлланма 5220200-тарих бакалаврият йўналиши талабалари учун «Жаҳон тарихи» фанининг «Янги тарих» бўлими бўйича тайёрланган бўлиб, унда Ҳиндистоннинг Бобурийлар давридаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши масалалари, инглиз мустамлакачилиги, миллий-озодлик ҳаракатлари ўз аксини топган. Мазкур қўлланма олий ўқув юртлиари тарих факультетлари талабалари учун мўлжалланган.*

ISBN 978-9943-371-50-7

НГ 812-2114.75-1443306 2010  
813-(4,0)-(06)



## СЎЗ БОШИ

Ҳиндистон ўзининг кўхна ва қадимий тарихи ҳамда маданияти билан жаҳонда маълум ва машҳур мамлакатлардан биридир. Ҳиндистонда Бобурийлар салтанатидан илгари ҳам илм-фан, маданият ривожланган, миллий ҳунармандчилик, савдо-сотик тараққий этган эди. Аниқ фанлар – математика, астрономия, кимё, медицина соҳасида ҳинд олимлари ажойиб кашфиётлар яратган эдилар. Машҳур француз математиги Лаплас ҳинд математикаларига тан бериб, «буюк Архимед ҳам ҳинд математикасидан фойдаланган» дейди. XIV-XV асрларда Ҳиндистонда катта-катта обсерваториялар бўлган. Ҳинд астрономлари жаҳон астрономия фани ривожига улкан хисса қўшганлар. Мамлакатда ажойиб меъморчилик обидалари бунёд этилган. Архитектура, миниатюра санъати соҳасида яратилган бетакрор афсункор асарлар ҳамон кишиларни ҳайратга солади. Ўтмишда яратилган адабиёт намуналарини ҳамон кизиқиб ўқилади. Ҳиндистоннинг ана шундай маданияти, илм-фани, санъати, умуман ижтимоий-иқтисодий ҳаёти Бобурийлар салтанати даврида янада ривож олди, тараққий этди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўзбек халқи ўзлигини танишга, кўхна, бой тарихини билиш, ўрганишга, миллий қадриятларимизни тиклашга муяссар бўлди. Айниқса, биз тарихчилар ўз тарихимизни, шунингдек Ғарб ва айниқса, Шарқ халқлари тарихини ҳаққоний ўрганишимиз, тадқиқ этишимиз лозимдир. Биз, шарқшунослар, чунончи, ҳиндшунослар хорижий Шарқ, жумладан Ҳиндистон тарихини ўрганар эканмиз, барча тарихий воқеаларга, тарихий шахсларга тўғри ва ҳаққоний баҳо беришимиз даркор. Шунга амал қилган ҳолда Бобур шахсини, унинг Ҳиндистондаги бунёдкорлик фаолиятини, Бобурийлар сиёсатини одилона, ҳаққоний ёритмоғимиз лозим.

Ушбу қўлланмани эса юқорида қайд этилган мақсад сари интилиш йўлидаги бир дебоча сифатида ҳукмингизга ҳавола этмоқдамиз.

*Муаллифлар.*

## БОБУРИЙЛАР ДАВРИДА ҲИНДИСТОН

Бобур 1483 йил Андижон шаҳрида туғилган. У буюк Амир Темурнинг чевараларидан бири эди. Бобурнинг отаси Умаршайх Темурнинг набираси бўлмиш Абусаид Мирзонинг ўғли эди. Онаси Кутлуғ Нигорхоним Тошкентда ҳокимлик қилган Юнусхоннинг қизи бўлган. Юнусхон (1415-1487 йиллар) Тошкентда одил ва оқил ҳукмдор ҳисобланган. 1494 йилда Бобурнинг отаси Умаршайх вафот этгач, Бобур Фарғона вилоятида ҳокимлик қила бошлаган. У Фарғона ва Самарқандда ҳокимиятни мустаҳкамлашга ҳаракат қилса-да, Шайбонийхон қўшинларидан енгилиб, ўз она юртини тарк этишга мажбур бўлган. Бобур шундан сўнг Қобул шаҳрини ва Қандаҳорни эгаллаб, Афғонистонда ҳукмронлик қилади. Бобур ўз ватанидан жудо бўлгач, ўзгалар юртида ҳам мустақил, қудратли давлатни барпо этиш ва ривожлантиришни орзу қиларди. Худди шу мақсадда у Ҳиндистонга бир неча бор қўшин тортиб боради ва ниҳоят бу ажойиб, ғаройиб мамлакатни эгаллашга муваффақ бўлади. 1526 йилдан бошлаб Ҳиндистонда Бобурийлар салтанатининг ҳукмронлиги бошланган. Бу ҳукмронликнинг ҳинд халқи учун ижобий ва фойдали томони шуки, Бобур бу мамлакатда бўлган пайтида хонликларнинг ўзаро қонли урушларига барҳам берди ва марказлашган ягона давлатни барпо қилди. Бобур ғоят оқил, одил подшо сифатида мамлакатда тинчлик ва адолат ўрнатди, турли рожалар, табақалар, низо ва жанжалларни бартараф этди. Бобур Ҳиндистоннинг иктисодий тараққиёти, маданий ривожини учун жон куйдирди. У моҳир лашкарбоши бўлиш билан бирга ақл-заковатли давлат арбоби, нозик дидли шоир, санъат, адабиёт шайдоси эди. Бобурнинг ана шу фазилатлари, саъй-ҳаракатлари, куч-гайрати туфайли Ҳиндистон ривож топди ва оламга машҳур бўлди. Нафақат Ҳиндистон тарихчилари ва ҳинд жамоатчилиги, балки инглиз тарихчилари ва давлат арбоблари ҳам Бобур шахси ва у барпо этган салтанатга юқори баҳо беришади. Жумладан, инглиз олими У. Эрскин Бобур ҳақида шундай ёзади: «Ҳукмдорлар орасида у сингари даҳо ва истеъдодли сиймоларни камдан-кам учратасиз. Унинг донолиги, истеъдоди, мардлиги, саҳийлиги борасида ҳамда фан, санъатни тушуниши ва қадрлашида унга тенг келадиган подшоҳ бўлмаса керак». Машҳур ҳинд тарихчиларидан бўлмиш Р. Мажумдор, К. Датта Бобур шахсини шундай таърифлайдилар: «Бобур тарихдаги мустаҳкам иродали ва жасур лашкарбоши эди. У қаҳри қаттиқ истилочи эмасди. У нозик дидли рассом, меҳрибон дўст, Аллоҳга содиқ, табиатни,

санъатни, мусиқани жуда севарди. Ҳар қандай қийин ва хатарли шароитда ҳам тушқунликка тушмасди».

Бобур Ҳиндистонни одилона идора қилиш билан бирга ажойиб лирик шеърлар, ғазаллар, достонлар яратди. Бобур лирикаси асрлар оша инсонлар тилидан тилига, дилидан дилига ўтиб, ҳамон яшаб, ёшариб келмоқда. Унинг «Бобурнома» аталмиш машҳур тарихий, бадиий асари авлоддан авлодга ўтиб, ҳамон севиб ўқилмоқда, ўрганилмоқда. «Бобурнома» жаҳоннинг жуда кўп тилларига таржима қилинган ва қайта-қайта нашр қилинмоқда. Бу асарга Ғарб, айниқса ҳинд олимлари юқори баҳо бермоқдалар. «Бобурнома» жуда мукамал ва бебаҳо. Унда халқларимиз тарихи, турмуши, маданиятига оид жуда кўп маълумотлар бор. Бобур Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасида дўстлик кўпригини бунёд этган улуғ султондир. Бу дўстлик яна узоқ замонлар, асрлар оша давом этажақдир.

Дарҳақиқат, Бобур Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқларининг қадимий иқтисодий ва маданий алоқаларини янада мустаҳкамлади, икки халқнинг ўзаро беғараз, холис дўстлиги, ҳамкорлиги туфайли икки мамлакатнинг маърифат, маънавият ва маданияти янада ривож олди, бойиди. Бобурийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Ҳиндистонга Туркистондан жуда кўп олимлар, меъморлар бориб, ҳинд диёрида илм-фан, санъат ҳамда меъморчилик ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласи 332 йил ҳукмронлик қилди. Бобурдан сўнг унинг ворислари Ҳумоюн, Акбар, Жаҳонгир, Шох Жаҳон, Аврангзеб деярли уч аср давомида Ҳиндистонни бошқардилар. Ана шу уч аср давомида мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида оламшумул ўзгаришлар рўй берди. Ҳиндистоннинг машҳур давлат ва жамоат арбоби Жавоҳарлал Неру «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» номли асарида Бобурийлар салтанати ҳақида гапирар экан, шундай дейди: «Бу йиллар зўр қудрат, шон-шухрат йиллари бўлди. Буюк мўғуллар довуғи бутун Осиё ва Европага тарқалди».

### **Назорат учун саволлар:**

1. Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласи ҳукмронлиги қачон бошланган?
2. Инглиз олими У.Эрскин Бобур ҳақида қандай таъриф билдиради?
3. Ҳиндистоннинг машҳур давлат ва жамоат арбоби Жавоҳарлал Неру қайси асарида Бобурийлар салтанати ҳақида маълумот беради?

## ҲИНДИСТОН БОБУР ВОРИСЛАРИ ДАВРИДА

XVII аср ўрталарида Ҳиндистоннинг катта қисмида Ўрта Осиёнинг Фарғона вилоятидан чиққан темурийлар хонадонига мансуб бўлган Захириддин Муҳаммад Бобурнинг авлодлари ҳукмронлик қилар эдилар. XVII аср ўрталарида Ҳиндистон аҳолиси 150 млн. кишидан иборат бўлган бўлса, 100 йилдан сўнг аҳоли сони икки баробар кўпайди. Мамлакатнинг асосий қисмида Бобурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган бўлса ҳам, XVII аср бошларида европаликлар – португаллар ва испанлар, сўнгра голландлар Ҳиндистон ва Индонезия соҳилларидаги денгиз бўйи савдосини асосан ўз қўлларига олишга муяссар бўлдилар.

Бобурнинг набираси бўлмиш Акбаршоҳ деярли ярим аср Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган. Бу йиллар тарихда Ҳиндистоннинг ривожланган, тараққий этган даври ҳисобланади. Акбарнинг отаси Ҳумоюн подшолик қилган пайтда мамлакатда нотинчлик кучайган, мамлакатдаги катта-кичик хонликлар ўртасида зиддиятлар, қарама-қаршиликлар авж олган эди. Бунинг натижасида аҳолининг турли табақалари орасида норозиликлар, низолар содир бўлаётган эди. Шунингдек қўшни мамлакатлардан, жумладан, Эрон, Афғонистондан Ҳиндистонга босқинлар, ҳамлалар кучайган эди. 1556 йилда тахтга ўтирган Акбаршоҳ ана шу ички ва ташқи хавфларга барҳам бериш билан шуғулланди. Айни пайтда у мамлакат хазинасини тўлдириш мақсадида Ҳиндистон ерларини кенгайтириш, серҳосил ва бой ўлкаларни эгаллаш режасини амалга оширишга киришди. 14 йил давомида Акбаршоҳ ўзбошимча хонликлар, вилоят ҳукмронлари билан ҳам жанг қилди. Бу жангу жадалларда Акбаршоҳ ғолиб чиқиб, мамлакатни ички ва ташқи хавф-хатардан халос этган. Бунинг натижасида Ҳиндистон ҳудуди янада кенгайди, мамлакатда тинчлик-осойишталик ўрнатилди. Шундан сўнг Акбаршоҳ салтанатни мустаҳкамлаш, мамлакатни ривожлантириш мақсадида кенг миқёсдаги иқтисодий ислохотларни амалга оширишга киришган.

Маълумки, хорижий Шарқ мамлакатларининг, жумладан Ҳиндистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, унинг ривожини асосан қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик билан боғлиқ. Қайси мамлакатда деҳқончилик ривожланса, қишлоқ хўжалигида мўл-кўл ҳосил олинса, ўша мамлакатнинг иқтисодиёти мустаҳкам, аҳолининг турмуш даражаси, тирикчилиги яхши бўлади. Буни яхши тушунган ҳар бир замоннинг, ҳар бир давлатнинг раҳбарлари аграр муносабатларни, деҳқончиликни ислох қилишга катта эътибор берганлар.

Қадимдан Ҳиндистон замини серҳосил, деҳқонлари меҳнаткаш бўлган. Суғориладиган ерлардан икки, ҳатто уч марта ҳосил олинган. Ҳиндистонда етиштирилган аъло сифатли пахта, пилла, шойилар, шакарқамишдан тайёрланган ширинликлар, буғдой, шоли, индиго (нил бўёғи) каби турли маҳсулотлар жаҳон бозорларида ҳам машҳур бўлган. Бироқ, деҳқончилик маҳсулотларидан олинган фойда асосан давлат хазинасига, феодаллар чўнтагига тушган, эртаю-кеч тер тўкиб, жафо чекиб меҳнат қилган деҳқонлар ҳосилнинг кўпини солиқ сифатида ҳукмдорларга топширганлар.

Ҳиндистонда ерга бўлган мулкчилик шакллари, феодал муносабатлар турлича бўлган. Расман барча ерлар ҳамда йирик суғориш иншоотлари – каналлар, сув омборлари давлат мулки ҳисобланган. Ҳамма ерларнинг саккиздан бир қисми ва ундан олинган даромад подшоҳ ихтиёрида бўлган. Бу даромад подшоҳлик, сарой эҳтиёжига сарфланган. Қишлоқ хўжалигидаги ерлар давлат мулки ҳисоблансада, экин майдонлари ихтиёри қишлоқ жамоаларида бўлган. Бу жамоалар ерни деҳқонларга таксимлаб берганлар. Жамоадаги деҳқонлар ҳам табақаларга ажралган. Жумладан, ерни наслдан-наслга, авлоддан-авлодга ўтказиш ҳуқуқига эга меросдор аталмиш деҳқонлар бўлган. «Келгиндилар» деб аталган деҳқон табақалари ерларни жамоалардан ёки мулкдорлардан ижарага олиб меҳнат қилганлар. Қишлоқлардаги яйловлар, ўтлоқлар, ўрмонзорлар ва бўш ерлардан жамоа аъзолари фойдаланганлар. Ҳар бир қишлоқ жамоасида турли хунармандлар яшаганлар ва жамоа эҳтиёжи учун меҳнат қилганлар. Темирчилар, дурадгорлар, мисгарлар, кулоллар, кўнчилар, заргарлар, сартарошлар ва бошқа хунармандларнинг меҳнат ҳақи жамоа ҳисобидан маҳсулотлар билан тўланган.

Қишлоқ жамоасини асосан 5 кишидан иборат «Панчаят» аталмиш кенгаш идора қилган. Мазкур кенгаш аъзолари ўзига тўқ, обрў-этиборли деҳқонлардан иборат бўлган. «Панчаят»нинг оқсоқоли ҳамда бошқа аъзоларнинг имтиёзлари ва ҳақ-ҳуқуқлари катта эди. Чунончи, жамоа аъзоларидан йиғилган даромаднинг маълум қисмини уриб қолардилар. Қишлоқ жамоаси, деҳқонлар давлатга, ҳукмдор феодалларга катта даромад солиғи тўлашга мажбур эдилар. Шунингдек, улар «панчаят»лар, диндорлар, хунармандларнинг бойлигини орттиришга мажбур эдилар. Бундан ташқари, ҳукмдорлар суғориш иншоотлари, йўллар, кўприклар ва саройлар қурилишига деҳқонларни мажбуран жалб этганлар.

Акбаршоҳ даврида қишлоқ жамоаларида мулкий табақаланиш, яъни бой ва камбағал деҳқонларга бўлиниш жараёни кучая борди.



Ердан катта даромад олаётган мулкдорлар ва «панчайт» аъзолари тобора феодаллашиб бордилар. Улар жамоадаги камбағал деҳқонлар устидан ҳукмронлик қила бошладилар, буш ётган ерларни, баъзи ўтлоқларни эгаллаб қўшимча даромадга эга бўлдилар. Айни пайтда феодаллардан жабрланган, азиат чекадиган деҳқонлар сони, кўпайиб бошлади. Улар ерга бўлган ҳуқуқларидан ҳамда имтиёзлардан маҳрум бўла бошладилар. Айни пайтда рента солиқлари, яъни маҳсулот билан олинадиган солиқлар ўрнига пул солиқлари жорий этила бошланди. Бу эса деҳқонлар моддий ахволини янада оғирлаштирган. Давлат, жамоа ҳамда майда ва ўртаҳол феодаллар ихтиёридаги ерлардан ташқари мамлакатдаги аксарият майдонлар йирик амалдорлар ва лашкарбошиларга бўлиб берилганди. Бобурийлар хизмат кўрсатган лашкарбошиларга мукофот тариқасида катта-катта серҳосил ерларни тақсимлаб берган эди. Улар жогирдорлар деб аталарди. Экинчи майдонлари уларга расман, вақтинча берилган бўлиб, жогирдорлар ердан келадиган даромаднинг маълум қисмини подшоҳ аскарларини боқишга сарфлардилар. Даромаднинг асосий қисми эса уларнинг ҳамёнига тушарди. Жогирдорлар ўз ерларини ижарага бериб, деҳқонларни аямай ишлатар, улардан маҳсулот ва пул солиқларини ундириб олардилар. Бундан ташқари, жогир ерларида ишлаган деҳқонлар асосий кенг солиқдан ташқари қўшимча солиқлар тўлашга, жогирдорларнинг ҳар хил хизматларини қилишга мажбур эдилар. Пул солиқларининг тобора кенг жорий этилиши ҳамда товар-пул муносабатлари қарор топиши сабабли жогирдорлар ўз даромадларини ошириш мақсадида қишлоқ жамоаси ихтиёридаги ерларни ҳам эгаллашга киришдилар. Шунингдек, қишлоқлардаги суғориш иншоотлари, сувни тақсимлаш устидан назорат ўрнатиб, қўшимча даромад ола бошладилар. Боз устига, улар аслида вақтинча берилган ерлардан абадий фойдаланиш, уларга абадий эгалик қилишга уриндилар. Жогирдорларнинг ўз манфаатларини кўзлаган бундай ҳаракатларидан давлат ҳам, оддий деҳқонлар ҳам норози эдилар. Чунки уларнинг даромади тобора камайиб борарди.

Акбаршоҳ янги ислохотларни амалга оширар экан, қишлоқ хўжалигида ислохот ўтказишга катта эътибор берди. У даставвал жогирдорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, имтиёзларини чеклашни англаб етди. Аввало, лашкарбошиларга ер ҳады қилишни тўхтатди. Сўнгра уларнинг ердан оладиган даромади ўрнига хазинадан пул билан маош тўлашни жорий қилди. Бундан ташқари, давлат ерларидан олинадиган солиқларни йиғиш вазифаси ҳалол ишлайдиган амалдорларга топшириладиган бўлди. Илгари жогирдорлар ерларидаги солиқни

ўзлари тўплар эдилар. Шунингдек, Акбаршоҳ аксарият вилоят ва туманларда маҳсулот солиғи ўрнига пул солиғини жорий қилган. Бу тадбир ҳам жогирдорлар манфаатига зид эди. Пул солиғини йиғиш тартиб-қоидалари, солиқлар миқдори, турлари, усуллари ишлаб чиқилди. Хуллас, солиқларни аниқлаш, йиғиш, тўплаш ва ҳазинага топшириш борасида қатор ижобий чора-тадбирлар амалга оширилди. Лекин Акбаршоҳнинг аграр муносабатларни тартибга солишга қаратилган ислоҳотлари феодалларга, айниқса жогирдорларга ёқмаган. Улар очикдан-очик шоҳга норозилик билдирдилар. Салтанатнинг таянчи ҳисобланмиш лашкарбошилар ва катта амалдорларнинг норозилиғи хавfli эканини тушунган Акбаршоҳ жогирдорлар ерларини тугатишга қаратилган ислоҳотларни бекор қилишга мажбур бўлди. Аммо солиқлар тизимини тартибга солиш борасида амалга оширилган ислоҳотлар давлатнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга, хазинани бойитишга хизмат қилди.

Акбаршоҳнинг ижобий ислоҳотларидан яна бири - бу давлат хазинасидан олтин ва кумуш сарф-харажанини камайтириш бўлди. Шунингдек, қўшинлар, аскарларга сарфланадиган маблағни озайтириш чораларини кўрди. У мамлакатда ягона ўлчов бирлигини жорий қилди. Чунончи, узунликни ўлчайдиган 94 см.га тўғри келадиган газ ўлчовини жорий этди. Олди-сотди муомаласида рупия ва махурий аталмиш пулларни муомалага чиқарди. Шунингдек, пул ясайдиган давлат зарбхоналари барпо қилинди. Бундай молиявий ислоҳотлар туфайли мамлакатнинг иқтисодий аҳволи, ички ва ташқи савдо яхшиланди.

Акбаршоҳнинг энг муҳим ислоҳотларидан бири – диний ислоҳот бўлди. Маълумки, Ҳиндистон аҳолисининг аксарияти индуизмга, яъни кўп худоликка эътиқод қилади. Уларнинг Қуръони Карим, Инжил, Таврот каби муқаддас китоблари йўқ. «Рамаёна», «Маҳабхарата» аталмиш дostonлари хиндларнинг муқаддас китоблари саналади. Бир қисм аҳоли буддизм, жайнизмга эътиқод қилади. Араб истилоси ва Бобурийлар салтанатининг қарор топиши билан Ҳиндистонда ислом дини кенг таркала бошлади. Акбаршоҳ даврида аҳолининг тўртдан бир қисми исломга сиғинар, ҳукмдор табақаларнинг аксарияти мусулмонлар эди. Бундай диний номутаносиблик аҳолининг турли табақалари орасида, айниқса мусулмон ҳукмдорлари билан индуизмга эътиқод қилган ҳукмдорлар ўртасида норозилик, зиддиятларга сабаб бўларди. Бу эса Бобурийлар салтанати учун жиддий хавф-хатар эди. Буни яхши тушунган Акбаршоҳ турли динларга эътиқод қилган халқлар ва ҳукмронлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш, диний ихтилофларни юмшатиш мақсадида қатор чора-тадбирлар кўрган.

Жумладан, ҳиндларнинг дин пешволари бўлмиш брахман ва коҳинларни саройга хизматга жалб қилган. Уларни юқори лавозимларга тайинлаган. Акбаршоҳ янги пойтахт бўлмиш Фотхпур Сокрида ибодатхона қурдирди. Бу ибодатхонада турли дин вакиллари йиғилиб, ислом, индуизм, буддизм, форсизм (зардуштийлик) таълимотлари ҳақида холис баҳслар, мунозаралар ўтказиб туриларди. Уларда кўпинча Акбаршоҳнинг ўзи иштирок этарди. Акбаршоҳ мамлакатдаги барча дин вакиллари билан яхши муомала қилар, турли диний урф-одатлар, байрамлар, удумларни ҳурмат қиларди. Баъзи динларга хос удумлар ва урф-одатларни давлат миқёсида жорий қилган.

1582 йилда Акбаршоҳ Аллоҳ дини аталмиш янги дин таълимотини жорий қилади. Бу диний таълимот ислом, индуизм, жайнлар, сикхлар ва бошқа динларнинг энг яхши ижобий томонларини ўзида жамлаган, уларни тарғиб-ташвиқ этадиган илоҳий дин эди. Бу дин айниқса адолат ва тенгликни, тинчлик ва дўстликни, яхшилик ва раҳм-шафқатни тарғиб қиларди. Бироқ, бу дин мусулмон ҳукмронлигига маъқул бўлмади. Аксинча, аксарият мусулмон ҳукмронлар, йирик лашкарбошилар, сарой амалдорлари Акбаршоҳнинг диний ислоҳотларидан, айниқса бошқа динларга бўлган эътибори ва ҳурматидан норози бўлдилар. Ўша даврдаги манбаларда ёзилишича, Акбаршоҳнинг ўзи турли диний мазҳабларнинг яхши урф-одатлари, расм-русумларини адо этган экан. Жумладан, у баъзи-баъзида ҳиндлар либосини кийиб пешонасига тика белгисини қўйиб, қўлига ва бўйнига брахманларнинг зуннор деб аталмиш тасбеҳсимон чилвирини осиб юрган. Акбаршоҳнинг бундай фазилатлари ҳам мусулмон ҳукмдорларга ёқмаган. Улар бир неча бор очик ва яширин равишда Акбаршоҳнинг диний ислоҳотларига, шунингдек, бошқа ижобий ислоҳотларига қарши фитналар уюштирганлар.

Умуман, Акбаршоҳ амалга оширган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар Бобурийлар сулоласини мустаҳкамлаган, Ҳиндистон бирлигини, мамлакат ривожини ва тараққиётини таъминлаган.

Ҳиндистон тарихи билан шуғулланган таниқли олимлар, машҳур жамоат арбоблари Акбаршоҳ шахсига, унинг тараққийпарвар сиёсатига жуда юқори баҳо берганлар. Чунончи, Жавоҳарлал Неру шундай деб ёзган: «Акбар шукуҳли шоҳ ва ажойиб инсон бўлган. У Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласининг шон-шухратини янада мустаҳкамлади. Бобурийлар салтанати Акбаршоҳдан бошлаб ҳинд сулоласига айланди. Акбаршоҳ Ҳиндистон тарихидаги машҳур Ашока шахси сингари улуғ шахсдир. У донишманд подшоҳ эди».

Шуни таъкидлаш лозимки, Акбаршоҳ ислоҳотларининг самарали натижалари, диний ислоҳотларнинг маълум ижобий натижалари

ҳиндлар билан мусулмонлар ўртасидаги ўзаро дўстлик, биродарликда намоён бўлди. Таникли ҳинд олими Кабиражнинг таъкидлаб ёзишича, ҳинд ва мусулмон меҳнат ахлининг ўзаро дўстлик муносабатларини кўриб амин бўлган ҳинд ва мусулмон ҳукмронлар ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда, бу дўстликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилганлар.

Акбаршоҳ вафотидан сўнг унинг ўғли Жаҳонгир Бобурийлар тахтига ўтирган. Жаҳонгиршоҳ ҳам отасининг сиёсатини давом эттириб, Бобурийлар салтанатини мустаҳкамлаш, Ҳиндистон ҳудудини янада кенгайтириш, оддий халқ ҳамда ҳукмронлар ҳурмат-эътиборини қозониш сиёсатини олиб борди. У аввало халқ манфаатларини кўзлаган чора-тадбирлар режасини тузган ва уни амалга оширишга киришган. У халққа маъқул ва манзур бўлган қатор янгиликларни эълон қилади. Масалан, деҳқонлардан закот солигини олиш, барча маҳбусларни озод қилиш, кайф ва маст қилувчи барча ичимликларни таъқиқлаш, ўғри, талончи ва босқинчиларни раҳмсиз жазолаш, беморлар, хасталарга тиббий ёрдам кўрсатиш каби чора-тадбирлар ўтказишини эълон қилди. Манбаларда ёзилишича, бундай яхши ислохотларнинг баъзилари рўёбга чиққан, бошқалари эса қоғозда қолиб кетган. Жаҳонгиршоҳ маориф ва маърифат ривожига катта эътибор берган. Ўнлаб катта мадрасалар, мактаблар қурдирган. У олимлар, шоир ва ёзувчиларга, илм-фан аҳлига ҳомийлик қилган, илтифот кўрсатган. Шунингдек, Жаҳонгиршоҳ санъатни, айниқса рассомчиликни жуда севган. Шоҳ Мовороуннахрдан атоқли мўйқалам усталарини ёллаб, сарой устахоналарида ишлатган. Жаҳонгиршоҳнинг ўзи ҳам нозик дидли санъат шайдоси, яхши қалам соҳиби бўлган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўз таржимаи ҳолини моҳирона ёзган. «Тузуки Жаҳонгир» аталмиш бу асар ўз замонасида ғоят машҳур бўлган ва «Бобурнома»дан кейинги муҳим тарихий манба ҳисобланган. Жаҳонгиршоҳнинг кўп умри ташқи ва ички ғанимлар, душманлар билан жангу-жадалларда ўтган. Оғир ва бетиним давлат ишларидан ҳориб чарчаган Жаҳонгиршоҳ умрининг охирларида ичкиликка, кайфу-сафога берилиб кетган. Айни пайтда ворислари ўртасида тожу тахт учун кескин курашлар авж олган. Мамлакат учун ана шундай оғир ва мураккаб вазиятда 1627 йилнинг кузида Жаҳонгиршоҳ вафот этган.

1628 йилдан бошлаб Жаҳонгиршоҳнинг ўғли Шоҳ Жаҳон ҳукмронлиги бошланган. Бу даврда мамлакатда хонлар, турли ҳукмдорлар ўртасида зиддиятлар, ўзаро курашлар кучайган эди. Вилоятлар ҳокимлари подшоликка бўйсунмай мустақил бўлишга ҳаракат қилар, солиқлар ва божларни тўламай қўйгандилар. Натижада, подшоҳлик хазиначисидаги маблағ камайиб кетган эди. Шу сабабли Шоҳ Жаҳон ҳам

мамлакатдаги сепаратистлар (айирмачилар) билан кураш олиб борди. Ҳиндистон ҳудудини янада кенгайтириш ҳисобига хазинани тўлдириш, шунингдек исёнкор ҳокимларни жиловлаш билан мамлакатда тинчлик, осойишталик ўрнатишга қаттиқ киришди. Шоҳ Жаҳон Ҳиндистонда деярли 30 йил ҳукмронлик қилган бўлса, у кўп умрини исёнкор ҳокимлар, хонлар, рожалар билан курашга сарфлаган. Мамлакатда нисбатан тинчлик, осойишталик ўрнатилгач, Шоҳ Жаҳон эл-юрт ривожига катта эътибор берди. Подшолик билан вилоят хонлари ўртасидаги жангу-жадаллар оқибатида мамлакат ҳўжалиги издан чиққан, айниқса, деҳқончилик катта талофат кўрганди. Ўзаро урушлардан бебош, бешафқат ҳукмронларнинг зулми ва оғир солиқлар, божлардан жабрланган деҳқонлар уй-жой, ерларини ташлаб қочган эдилар. Шу сабабли аксарият экин майдонлари қаровсиз қолган. Шоҳ Жаҳон қишлоқ ҳўжалиги, деҳқончиликни тиклаш, айниқса, солиқ божларни тартибга солиш, деҳқонларни рағбатлантириш чора-тадбирларини кўрди. Манбаларда ёзилишича, бу даврда 14 хил турли солиқлар бўлган экан. Шу боис ҳам Шоҳ Жаҳон даставвал янги солиқ тизимини жорий қилди. Янги солиқ тизими бўшаб қолган ерларга деҳқонларни жалб этиш, уларни рағбатлантириш учун, аввало, солиқ божларни камайтиришни кўзда тутарди. Шунингдек, қишлоқ жойларида хароб бўлган суғориш иншоотлари, шахобчалар, яъни каналлар, ҳавзалар, тўғонлар, қудуқлар, булоқлар қайта тикланди ҳамда янгилари барпо қилина бошлади. Шоҳ Жаҳон деҳқонларга кўп жабр етказган, фақат ўз манфаатини ўйлаган жогирдорларнинг танобини тортиб қўйиш чораларини ҳам кўрган.

Шоҳ Жаҳон отаси Жаҳонгиршоҳ каби мамлакатни кўркам, обод қилишга катта эътибор берди. Шоҳ Жаҳон даврида янги шаҳарлар, саройлар, мадрасалар, масжидлар, мақбаралар, ажойиб боғу роғлар барпо қилинди. Жумладан, бутун Ҳиндистонда энг катта жомеъ масжиди қурилди. Асосан қора ва оқ мрамрдан ясалган бу кўркам масжид ўша давр меъморчилигининг гўзал намуналаридан бири ҳисобланади. Жаҳон меъморчилик тарихида мўъжиза бўлмиш буюк Тож Маҳал мақбараси ҳам Шоҳ Жаҳон даврида бунёдга келган. Шоҳ Жаҳон бу мақбарани Аржуманд Бону исмли ниҳоятда гўзал, оқила, фозила бўлмиш сеvimли рафиқаси хотирасига атаб қурдирди. Тун кечаларида ой билан ҳусн талашган Тож Маҳал мақбарасининг қурилиши лойиҳасини саройнинг бош меъмори Устод Аҳмад Лахурий яратган. Мусулмон олами меъморчилик санъатининг буюк ёдгорлиги ва намунаси бўлмиш бу бетакрор, гўзал обидани ўн саккиз минг киши 20 йил давомида барпо этган. Мақбара қурилишига 30 млн дан зиёд

рупия сарфланган. Бу жуда катта маблағ эди. Обидага ишлатилган турли-туман мрамар тошлар, қимматбаҳо малахитлар, ёқутлар, ферузалар, кўи мамлакатлардан келтирилган. Улардан ясалган Тож Маҳал кундуз кунлари бошқача, кечалари яна бошқача тусга киради, мўъжизакор товланади, жило беради. Айниқса, ойдин кечалари шундай ажабтовур товланадики, унинг сир-асрорига ҳеч ким тушуниб етолмайди.

Шоҳ Жаҳон отаси каби санъатга, айниқса рассомчилик санъатига ҳомийлик қилган. Ўша даврда машҳур кишиларнинг портретлари чизилган ҳамда ажойиб, гўзал миниатюралар яратилган. Шоҳ Жаҳон даврида яратилган альбомлардан энг машҳури «Подшоҳнома» деб аталган. Ўша даврдаги рассомчилик санъатининг ривожиди Мовароуннаҳрдан борган Самарқанд, Хоразм меъморлари ва рассомларининг ҳиссаси, устозлик мактабининг таъсири ниҳоятда кучлидир. Масалан, Тож Маҳални бунёд этишда самарқандлик уста Муҳаммад Шариф, бухоролик Аро Муҳаммад муҳандис фаол қатнашганлар.

Шоҳ Жаҳон даврида, умуман Бобурийлар салтанати даврида яратилган рассомчилик санъатининг гўзал намуналари бетакрор гўзал альбомлар, миниатюралар, Ғарбдаги давлат ва хусусий музейлар, кутубхоналарни ҳамон безаб турибди. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳоқонлар, шоҳлар, шахзодалар, ўртасидаги тож-тахт учун курашлар Бобурийлар сулоласига хос фожеа эди. Тож-тахт, мол-дунё деб ота болани, бола отани, ака укани, ука акани аямай, бир-бирларини, ҳатто қатл ҳам этар эдилар. Жумладан, Шоҳ Жаҳоннинг ворислари ўртасида ҳам оталари тириклигидаёқ подшолик учун кескин кураш кетарди. Шоҳ Жаҳон тўнғич ўғли бўлмиш Доро Шукӯҳни тахт вориси деб эълон қилган эди. Тўрт ўғил орасида Доро Шукӯҳ энг ақлли, доно, фозил ва шоиртабиат инсон бўлган. У Оллоҳобод, Панжоб вилоятларида ҳокимлик қилар, маориф, маърифат ривожига катта эътибор берарди. Олим, шоир сифатида ажойиб ғазаллар, дostonлар, илмий асарлар яратган эди. Ҳинд халқи яратган қадимий адабиёт асарларини санскрит тилидан форс тилига таржима қилган моҳир адиб эди. Доро Шукӯҳ рассомчилик санъатида ҳам машҳур бўлган. У беҳад гўзал расмлар чизган. Унинг расмлари «Доро Шукӯҳ альбоми»да жамланган бўлиб, Лондондаги «Ҳиндистон оффис» номли кутубхонада сақланмоқда.

Шоҳ Жаҳоннинг кенжа ўғли Аврангзеб ақлли, истеъдодли, билимдон шахс бўлса-да, амалпараст, шухратпараст, турли фитна ва иғволар уюштиришга уста эди. У турли иғво-фитналар билан икки акасини Доро Шукӯҳга қарши қилиб қўйди. Ака-укалар очик-ойдин тахт учун бир-бирлари билан жанг қилдилар. Бу курашларда Аврангзеб

ғолиб чикди. У уччала акасини қатл эттирди. Хаста бўлиб қолган отаси Шох Жаҳонни Агра қальясига қамаб қўйган. Шох Жаҳон умрининг охиригача шу қальада тоат-ибодат, тавба-тазарру билан тутқунликда ҳаёт кечирган. У ғўзал рафиқаси, малика жасади қўмилган Тож Маҳал макбарасига интилган, тикилган фурсатда ҳаётдан кўз юмган. Бағритош ўғли Аврангзеб отасининг жанозасида ҳам, маъракаларида ҳам қатнашмаган. Фақат Шох Жаҳоннинг севимли қизи бўлмиш Жаҳонаро ҳамиша отасининг ёнида бўлиб, унинг барча маросимларини, маъракалариңи ўтказган.

Аврангзеб 1658 йилда Бобурийлар салтанатининг олтинчи шоҳи бўлиб тахтга ўтиради. Аврангзеб ҳукмронлик йилларида мамлакатда нотинчлик, вилоятларда норозилик ҳаракатлари авж олган, ҳукмрон табақалар ўртасида ер-сув, мол-дунё учун талашиниш давом этарди. Аврангзеб ҳам мамлакат бирлиги, ҳукмдорларни жиловлаш, хазинани тўлдириш учун ҳаракат қилган. У ота-боболари сингари мамлакат ҳудудини кенгайтириш, босқинчилик ва ўлжа олиш билан бойлик орттириш сиёсатини юргизган. Аврангзеб 50 йил ҳукмронлик қилган бўлса, умри жангу жадалларда ўтди. Шу боис ҳам уни Аврангзеб Оламгир, яъни оламни забт этувчи, деб атайдилар. Унинг даврида Ҳиндистон ҳудуди катталашиб кетди. Таниқли ҳиндшунос олим, профессор И. Ҳошимовнинг таъбирича, Ҳиндистон ҳудудини кенгайтиришда биринчи ўринда Акбаршоҳ, иккинчи ўринда Аврангзеб туради. Аврангзеб ҳам бошқа Бобурий шоҳлар каби ўзининг сиёсий ва иктисодий мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида турли ислохотлар ўтказган. Лекин Аврангзеб ислохотларининг аксарияти кутилган натижаларни бермаган. Чунончи, дин соҳасидаги ислохотлар мусулмон бўлмаган халқлар норозилигига сабаб бўлди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Аврангзеб динпараст бўлиб, ислом динига, мусулмончиликнинг барча қонун-қоидаларига ғоят содиқ бўлган ва қаттиқ эътиқод қилган. Шу сабабли ҳам бошқа динларни, ғайридинларни менсимаган. Бобоси Акбаршоҳ дин бобида эҳтиёткорлик қилган, барча динларни ўзаро яқинлаштиришга уринган, Аврангзеб эса аксинча, мусулмонлар билан ғайридинларнинг ўзаро дўстлик, ҳамкорлик муносабатларига путур етказди. У очикдан-очик хиндларни камситиш, қақшатиш сиёсатини амалга оширди. Чунончи, ғайридинлардан жон бошига олинадиган жузья солиғини жорий этди. Акбаршоҳ ўз даврида бу адолатсиз, оғир солиқни бекор қилган эди. Бунинг устига ҳинд савдогарларидан олинадиган бож солиқларини кўпайтирди, мусулмон савдогарлари тўлайдиган бож солиғини эса бекор қилди.

Аврангзебнинг диний сиёсатидан оддий хиндлар ҳам, ғайридин феодаллар, ҳукмронлар ҳам барабар жабрландилар. Аксарият хинд амалдорлари ўз лавозимларидан четлатилдилар. Хинд феодалларининг имтиёзлари ва ҳақ-хуқуқлари чеклаб қўйилди. Муслмон феодал ҳукмронларга катта қўшимча имтиёзлар берилди. Майда ва ўрта хинд деҳқонларидан олинадиган солиқлар ва божлар микдори йилдан-йилга ошаверди. Улар Аврангзеб даврида барча ҳосилнинг 50 фоизини солиқ сифатида давлатга ҳамда жогирдорларга топширишга мажбур эдилар. Хуллас, Аврангзеб олиб борган урушлар, унинг иқтисодий сиёсати, айниқса хиндларни диний ва моддий камситиш, қақшатишга қаратилган ислохотлари, чора-тадбирлари кенг халқ оммаси ҳамда ғайридин ҳукмдорлар, феодалларнинг норозилигини кўзгаб юборди. Барча йирик вилоятларда, шаҳар ва қишлоқларда подшо сиёсатига қарши ҳаракат кўзғолон, исён тусини ола бошлади. Айниқса, Панжоб, Махараштра ва Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбидаги вилоятларда яшовчи сикх, маратх, жат халқларининг исёни Бобурийлар салтанатини ларзага солган.

### **Назорат учун саволлар:**

1. XVII аср ўрталарида Ҳиндистон аҳолиси қанча эди?
2. 1556 йилда тахтга ким ўтиради?
3. Тож Махални бунёд этишда самарқандлик ва бухоролик усталардан кимлар фаол қатнашганлар?
4. Аврангзеб тахтга ўтиргач қандай ислохотлар олиб борди?

## **БОБУРИЙЛАР САЛТАНАТИНИНГ ТАНАЗЗУЛГА ЮЗ ТУТИШИ**

Ҳиндистоннинг жанубий-ғарбида жойлашган Махараштра аҳолиси бўлмиш марахтлар подшо ва муслмон феодаллар зулмидан ғоят жабрланган эдилар. Шу боис, Бобурийлар ҳукмронлигига қарши исён кўтарганлар. Бу исёнга даставвал марахтларнинг обрў-эътиборли раҳбари бўлмиш Шохжи, сўнгра унинг ўғли Шивожи бошчилик қилди. Шивожи ақл-заковатли, билимдон, ватанпарвар арбоб ҳамда довюррак, истеъдодли лашкарбоши эди. Унга маҳаллий феодаллар, оддий деҳқонлар, хунармандлар ишонар ва ихлосманд эдилар. Шивожини аҳолининг деярли барча табақалари қўллаб-қувватлаган. У жабрдийда меросдор деҳқонлардан иборат кучли армияни барпо қилган ва ўз замонасининг яхши қурола-аслаҳалари билан қуроолантирган. Шивожи ўз армияси билан қўшни бой ўлкаларга бир неча бор ҳужум қилиб,



анчагина маблағ тўплади. Бу маблағ Бобурийлар салтанатига қарши курашларга сарфланган. Шивожиге қўшинлари то 1674 йилгача подшо қўшинлари билан бир неча марта жанг қилдилар. Бу жангларда асосан кўзғолончилар устун чиқардилар. Натижада Махараштра вилоятининг кўп қисми Бобурийлар ҳукмронлигидан озод қилинди. 1674 йилда Махараштра мустақил давлат, Шивожиге эса мустақил подшо деб эълон қилинди.

Шивожиге мустақил кучли давлат қуриш учун қатор сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий режаларни амалга оширади. Ҳинд аҳолисига, айниқса деҳқонларга жабр-зулм етказган мусулмон феодалларининг ерсуви, мол-мулкани тортиб олади. Ҳинд феодаллари ва деҳқонларга имтиёзлар беради. Жумладан, деҳқонлардан олинадиган солиқларни 30-40 фоиз камайтирди. Солиқ тизимини анча тартибга солди. Жумладан, илгари бераҳм солиқ йиғувчи воситалар тизимини бекор қилиб, солиқ олишни ҳалол давлат кишиларига топширди. Шивожиге армиясининг асосий қисмини ташкил этган деҳқонлар оммасини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиради. Шивожининг ижобий фаолиятларидан яна бири шуки, ҳокимият, мол-мулк учун курашаётган феодалларни ўзаро муроСага келтирди. Улар ўзаро бирлашиб, Шивожиге атрофида Бобурийлар салтанатига қарши курашдилар.

Авраңгзеб Шивожини енгиш ва тиз чўқтириш учун кўп ҳаракат қилди. Икки рақиб ўртасидаги урушлар бир неча йил давом этди. Гоҳ Авраңгзеб, гоҳ Шивожиге ғолиб чиқди, икки ўртада кўп қон тўкилди, қурбонлар берилди. Шивожиге ўлимидан сўнг Махараштра давлатига путур ета бошлади. Ҳукмрон феодаллар ўртасида ўзаро қарама-қаршиликлар, зиддиятлар яна кучайиб кетди. Улар яна марахт халқига зулм ўташишни давом эттирдилар. Бунинг оқибатида халқ билан ҳукмрон табақалар ўртасида ўзаро келишмовчиликлар, зиддиятлар зўрайди. Бундай вазиятдан фойдаланган Авраңгзеб 1689 йилда Махараштра қўшинларини тор-мор этиб, Шивожининг ўғли бўлмиш Шохуни асир олиб кетади. Шундан сўнг Махараштра давлатининг нуфузи, куч-қудрати сўна бошлади. Лекин халқнинг эрк, озодликка бўлган интилишлари сусаймади. Ватанпарвар, озодлик истаган кучлар янги курашларга шай бўлиб туради. Махараштра давлатининг барпо бўлиши, озодлик курашлари Бобурийлар салтанатига жиддий зарар келтирди. Шунингдек, Ҳиндистондаги бошқа вилоятлардаги норозилик ҳаракатларини кучайтириб юборди.

Айниқса, Панжоб вилоятида сикхларнинг норозилик ҳаракати авж олиб кетди. Бобурийларга қарши кураш диний мазҳаб бўлмиш сикхизм байроғи остида олиб борилди. Сикхизм индуизмнинг мазҳабларидан

бири бўлиб, XVI аср бошида Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмида пайдо бўлди. Бу мазҳаб индуизмга хилоф бўлган, унинг баъзи таълимотларини инкор этган эди. Сикхизмнинг дастлабки раҳбари Нанак (1469-1539) мамлакатдаги паст табақалар тенглигини, барча инсонлар Худо олдида тенгдирлар, деган ақидани тарғиб этган эди. Шунингдек, у Ҳинд ва мусулмон дин пешволарининг суиистеъмолчилик фаолиятларини қоралаган эди. Айни пайтда Гуру Нанак (гуру-устоз дегани) ҳукмронлар билан муроса қилиш лозимлигини, жанжал ва низоларни куч ишлатмасдан ҳал қилиш кераклигини ташвиқ қилган. Шу сабабли бўлса керак, Бобурий подшолари Нанак билан тил топишга, яхши муомалада бўлишга ҳаракат қилганлар. Айниқса, Акбаршоҳ гурулар, сикхизмнинг бошқа пешволари билан муросасозлик сиёсатини юргизган. Вақт ўтиши билан сикхизм таълимотида ҳам, сикхлар ҳаракатида ҳам ўзгаришлар юз берди. Гуруларнинг ўзлари ва бошқа дин пешволари мол-дунё, бойлик орттира бошладилар. Гуру мутлак ҳоким бўлишга, ўзини диний даҳо даражасига кўтаришга интилди. Дин пешволари орасидан катта мол-мулкка эга бўлган феодаллар етишиб чиқди. Сикхизм ичидаги бундай ўзгаришлар натижасида аҳоли ўртасида Бобурийлардан ҳам, маҳаллий феодаллардан ҳам норозилик кучайди. Айни пайтда кенг халқ оммасининг феодалларга, умуман зулм, истибодга қарши кайфияти сикхизм раҳбарларини чўчитиб қўйди. Улар халқ кайфияти билан ҳисоблашиб, бошқача сиёсат юргиза бошладилар. Сикхларнинг ўзинчи устози бўлмиш Гавианд Сингх (1675-1708) ўзининг барча ҳукмронлик имтиёзларидан воз кечиб, сикхларни мусулмон ва сикх феодалларига қарши курашга чақирган. У барча ҳокимият бошқарув тизимини Халса деб аталмиш сикх жамоаларига топширган. Бу жамоаларда барча табақалар тенг ҳисобланади ва шунга ўхшаш қатор демократик қонун-қоидалар жорий қилинади. Жамоаларга дехконлар, хунармандлар ва бошқа камбағал табақалар уюшади.

Халса жамоаси аъзолари учун махсус кийим-бошлар, мусулмонлардан ажратиб турувчи либослар жорий қилинган. Масалан, улар аввало ханжар солинган сув билан ювинганлар, сўнг махсус кийим-бош кийганлар, сикхларга хос соқол ва мўйлов қўйганлар. Шунингдек, сикхлар албатта ханжар, билакузук тақиб юришлари ҳамда тарок олиб юришлари шарт бўлган. Говинд Сингхдан сўнг сикхлар исёнига Банда Гуру раҳбарлик қилади. Манбаларда ёзилишича, Банда асли дехкон оиласидан чиққан. У заковатли, тадбиркор раҳбар ва довюрак, жасур лашкарбоши бўлган. Банда ўзини ҳақиқий ва мутлак подшо деб эълон қилиб, Бобурийларни ҳайдаб сикх давлатини барпо қилишга ваъда

беради. Банда ўз агрофида ўн минглаб аскар тўплаб подшо армияси билан жанг қилади. Сикхлар қатор шаҳар ва вилоятларни ишғол қиладилар ва кўпгина ўлжаларни қўлга киритадилар. Бирок, сикхлар ғалабаларидан саросимага тушган Бобурийлар салтанати ҳамда ҳукмрон ҳинд ва мусулмон феодаллари ўзаро бирлашиб, Банда армиясига қарши куч тўплайди. Икки ўртада бўлган шиддатли жангда сикхлар енгилдилар. Банда асир олинди, қатл этилади. Бу билан сикхларнинг озодлик курашлари сусайиб қолади. Гарчанд сикхлар енгилса-да, уларнинг кўзғолонлари Бобурийлар салтанати инқирозини тезлаштириб юборди.

Ҳиндистонда ҳукм сурган Бобурийлар подшолигига жатлар исёни жиддий зарба берди. Марказий Ҳиндистонда асосан Агра ва Дехлида яшаган ўрта ҳол деҳқонлар тоифаси жатлар деб аталган. 1669 йилда Гокла исмли раҳнамо бошчилигида жатлар подшо армиясига қарши уруш бошлайдилар. Жатлар подшо қўшинлари билан мардона жанг қилиб, катта ғалабаларга эришадилар. Лекин, Бобурийлар саройи катта куч тўплаб, Гокла аскарларини енгади. Шундан сўнг Нарнаула округида яшовчи сатнами мазҳабига эътиқод қилувчи аҳоли бош кўтарди. Уларнинг жасорати ва мардлиги кўпгина манбаларда таъкидлаб ўтилган. Сатнами исёнчилари кўпгина шаҳар ва қишлоқларни забт этиб, Дехлига ҳам хавф соладилар, шундан сўнг Аврангзеб сатнамларга қарши катта армияни сафарбар этади ва кўзғолонни бостиради.

Салтанат ҳамда феодал зулмга қарши маратх, сикх, жатлар ҳаракати Бобурийлар сулоласи инқирозини тезлаштирди. Бу исёнлар натижасида марказий ҳокимиятнинг куч-қудрати, обрў-эътибори пасайди, мамлакат ҳўжалиги издан чиқди, ишлаб чиқариш таназзулга учради. Урушлар оқибатида шаҳар ва қишлоқлар вайронага айланди, деҳқончилик, хунармандчилик, савдо-сотиқ катта зарар кўрди. Аҳолининг қуйи табақалари орасида мухтожлик, қашшоқлик янада авж олди. Салтанатнинг кучсизлиги, ожизлигидан фойдаланган ҳинд ва мусулмон феодаллари, жогирдорлар ўз ихтиёридаги вилоятлар, шаҳарлар ва қишлоқларда мутлақ ҳоким бўлишга, марказга бўйсунмаслик ҳаракатига тушиб қолдилар. XVII асрнинг бошларига келиб катта-катта вилоятлар, жумладан, Панжоб, Бенгалия, Бихор, Орисса, Ҳайдаробод, Рожастон мустақилликка эришдилар. Уларнинг ҳукмронлари Бобурийлар салтанатига бўйсунмай қўйдилар. Айни пайтда маратхлар, сикхлар, жатлар ва бошқа эзилган халқлар орасида яна кўзғолонлар, исёнлар авж ола бошлади.

Бобурийлар салтанати ичкаридан зарба еб, инқирозга учраган пайтда ташқи душман хавфи ҳам пайдо бўлиб қолди. 1738 йилда Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ Ҳиндистонга ҳамла қилиб, мамлакатнинг шимолигарбий вилоятларини эгаллади. Нодир кўшинлари бир ҳафта давомида Деҳлини талон-тарож қилдилар. 20 мингдан ошиқ тинч аҳоли кириб ташланди. Нодиршоҳнинг ўзи баҳоси 80 миллион рупий турадиган «Товус тахти» агалмиш ажойиб тахтни ва жаҳонда машҳур «Кўхинур» бриллиантини қўлга киритди. Бобурийлар сулоласининг давомчиларидан Муҳаммадшоҳ (1719-1748) сулҳ тузишга мажбур бўлади. Қобул ва қатор вилоятлар Эронга қарам бўлиб қолди. Шунингдек, Нодиршоҳга катта товон тўлашга келишилди. Нодиршоҳ босқинидан сўнг Бобурийлар салтанати ўзини ўнглай олмади. Мамлакат парчаланиб кетди, мустақил хонлиқлар Деҳли подшолигига итоат қилмай қўйдилар. Бенгалия, Декан, Ҳайдаробод каби вилоят ҳукмдорлари вилоятларни кенгайтириш, ўлжалар орттириш учун ўзаро курашлар олиб бордилар. Мамлакатдаги тарқоқлик, парокандалиқдан фойдаланган Афғонистон ҳукмдори Аҳмадшоҳ Дурроний 9 йил давомида Ҳиндистонга ҳужум қилди, афғон кўшинлари Панжоб, Синг, Кашмир вилоятларини забт қилиб, 1767 йилда Деҳлини эгаллайдилар. Улар Нодиршоҳ кўшинлари сингари пойтахтни талайдилар. Афғонистон ҳудуди Ҳиндистон ҳисобига яна кенгайди.

Бироқ Аҳмадшоҳ Дурроний Ҳиндистонда узоқ ҳукм сура олмайди. Афғон истилочиларига қарши сикх ва маратхлар бош кўтардилар. 1758 йили маратхлар Деҳлини эгаллаб, афғонларни ҳинд еридан қувиб чиқардилар. Аҳмадшоҳ Дурроний Ҳиндистон ерларидан, бойликларидан умид уза олмайди. Шу боис 1760 йилда яна Ҳиндистонга ҳамла қилди. Афғон армияси яна маратхлар билан тўқнашади, ўша вақтда Ҳиндистонда энг уюшган, жанговор, яхши қуролланган армия маратхлар армияси эди. Шундай бўлсада, 1761 йилнинг 14 январида бўлган қирғинбарот урушда маратхлар армияси мағлубиятга учради. Аҳмадшоҳ иккинчи марта Деҳлини босиб олди. Бу сафар Аҳмадшоҳ Дурроний Деҳлида узоқ тура олмайди. Афғон босқинига қарши ҳаракатлар ҳамда Афғонистоннинг ўзида кўтарилган халқ исёнлари Ҳиндистондан чекинишга мажбур қилади. Аҳмадшоҳ Деҳлини тарк этар экан, Бобурийлар саройида афғонларга содиқ амалдорларни юқори лавозимларга тайинлайди. Улар ёрдамида Ҳиндистонда ўз сиёсий ва ҳарбий мавқеини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Хуллас, Ҳиндистоннинг парчаланиб кетиши натижасида ҳамда афғонларнинг ўзаро курашлари оқибатида марказлашган давлат –Бобурийлар салтанати емирилди.

## Назорат учун саволлар:

1. 1674 йилда Ҳиндистонда қайси давлат ўзини мустақил деб эълон қилади?
2. XVI аср бошида Ҳиндистонда пайдо бўлган Сикхизмнинг дастлабки раҳбари ким эди?
3. 1738 йили Ҳиндистонга қайси Эрон ҳукмдори бостириб киради?
4. Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласининг инқирозга юз тутишига қайси омиллар сабаб бўлади?

## ҲИНДИСТОНДА ИНГЛИЗ ИСТИЛОСИНING БОШЛАНИШИ

Ғарб давлатлари вакиллари XVI асрдан бошлаб, Ҳиндистон худудида пайдо бўла бошладилар. Улар ҳинд халқи билан дўстона алоқалар ўрнатиш, ўзаро манфаатли савдо-сотик қилишни эмас, бойликларни талашни кўзлаган эдилар. Худди шу мақсадда Ғарб мамлакатлари Ҳиндистонда савдо факториялари ташкил қилдилар. Бу савдо-сотик факториялари Ғарб молларини Ҳиндистонга келтириб, қимматга пуллар, ҳинд молларини арзон-гаровга олиб, катта фойда орттирар эдилар.

Савдо-сотик тобора кенгайиб, мўмай даромад кўпайган сари уларнинг иштаҳаси очила борди. Зотан, савдо факторияларини фақат иктисодий жиҳатдан эмас, сиёсий-ҳарбий жиҳатдан ҳам мустаҳкамлаш, янада кенгайтириш лозим бўлиб қолди. Энди савдо-сотик факториялари ўрнига «Ост Ҳиндистон» компанияси аталмиш алоҳида компаниялар ташкил қилина бошланди. Бу компаниялар Ҳиндистонда Ғарб давлатларининг мустамлакачилик сиёсатини юргиздилар. Улар Ҳиндистондан олаётган фойда ҳисобига компания мол-мулкларини кўриқлаш баҳонасида қуролли соқчи қисмларини туздилар. Компаниялар асосан маҳаллий халқдан олинган соқчиларга ҳамда хизматчиларга яхши маош берар, уларни шу йўл билан ўз манфаатларига хизмат қилдиради эдилар. Шунингдек, бу компаниялар вилоят ҳокимларини, маҳаллий амалдорларни пора бериб қўлга олар, барча маъмурий-бошқарув тизимларини ўргимчак уясидай ўраб олар эдилар. Айни пайтда Ҳиндистонда уя курган инглиз ва француз компаниялари ўртасида ўзаро зиддиятлар, яширин ва очикдан-очик сиёсий ва ҳарбий курашлар авж олиб кетганди. Француз давлатининг Ҳиндистондаги ваколатли ноиб бўлмиш Ж. Дюплекс кўнгилли ҳиндлардан (улар орасида мусулмонлар ҳам бор эдилар) махсус ҳарбий қисмлар ташкил этган. Уларга француз

офицерлари бошчилик қиладилар. Ж. Дюплекс қўшинлари Ҳиндистонда француз давлатининг сиёсий-иқтисодий ва ҳарбий мавқеини мустаҳкамлашга уриндилар. Ж. Дюплекс ўз армиясини гоҳ вилоят ҳокимларига, гоҳ инглизларга қарши қўяр эди. Ж. Дюплексга Франциядан юборилган ҳарбий денгиз қўшинлари ҳам ёрдам бериб турарди. Шулар ёрдами билан у Мадрас вилоятини эгаллаб олган. Французлар бошқа вилоятларда ҳам ўз таъсир доираларини кенгайтирганлар. Жумладан, Ҳайдаробод, Карнатик вилоятлари французларга тобе бўлиб қолган.

Инглиз компанияларининг иқтисодий ва ҳарбий куч-қуввати французларга нисбатан кучлироқ эди. Улар Британия курулли кучлари ёрдамида французлар билан шиддатли жанглар олиб борадилар. Ҳиндистон учун бўлган Англия-Франция урушларида ниҳоят, Англия мустамлакачилари ғолиб чиқадилар. 1756 йилда Европада бошланган машҳур 7 йиллик уруш Ҳиндистонда ҳам давом этади ва оқибатда Англия фойдасига ҳал бўлади. 1763 йили имзоланган Париж тинчлик шартномасига биноан, французлар Ҳиндистондаги ҳарбий-иқтисодий базалари ва мавқеидан деярли маҳрум бўладилар.

1763 йилги Париж тинчлик битимидан сўнг, инглиз мустамлакачилари Ҳиндистонда bosқинчилик сиёсатини кучайтириб юборадилар. XVIII асрнинг иккинчи ярмидаёқ «Ост Ҳиндистон» компанияси Калькутта, Мадрас, Бомбейда ва Карнатик хонлигида ҳукмрон бўлиб қолган. Компаниянинг навбатдаги режаси Бенгалияда ҳукмронлик ўрнатиш эди. Бенгалия худуди табиий бойликлари жиҳатидан Ҳиндистонда энг катта вилоятлардан бири эди. Бу ерда хунармандчилик, савдо-сотик ривожланган, ерлари жуда серҳосил бўлган. Шу боис ҳам Ғарб мустамлакачилари ҳамisha Бенгалияни забт этишни, унинг бойликларини талашни орзу қилиб келганлар. «Ост-Ҳиндистон» компанияси илгаридан Бенгалия билан савдо-сотик қилган, йирик обрўли феодал ва савдогарларга поралар бериб, улар билан тил топишган эди. Компания ҳатто Бенгалияда тангалар зарб этиш ҳуқуқини олган эди.

1756 йилда Бенгалия ноиби этиб тайинланган Сирож-уд-Давла инглизларнинг қора ниятини сезиб, Бенгалияни қўлдан бой бермасликка қарор қилади. У катта қўшинлар билан инглизлар тасарруфидаги Калькутtagа ҳужум қилган ва шаҳардан инглизларни қувиб чиқарган. Бироқ Роберт Клайв қўмондонлигида Калькутtagа юборилган инглизлар ҳарбий десант қўшинлари Навоб армиясини енгиб, Калькуттани қайта эгаллаб олганлар. Шундан сўнг Бенгалияни тамом босиб олишга киришганлар. Бу режани амалга оширишда инглизлар

Ўзларининг синалган усулларини, яъни пора бериш, турли ҳийла-найранглар, ёлгон ваъдалар билан маҳаллий ҳукмронларни қўлга олиш йўлларини қўллайдилар. Улар аввало Сирож-уд-Давланинг лашкар-бошиси бўлмиш Мир Жафар билан хуфёна битим тузадилар. Битим шартларига биноан, агар Бенгалия забт қилинса, Мир Жафарга навоблик лавозими ваъда қилинади. Бунинг эвазига Мир Жафар инглизларга 17,7 млн фунт стерлинг товон тўлашга ҳамда инглиз «Ост-Ҳиндистон» компаниясининг измидан чикмасликка сўз беради. 1757 йилнинг 23 июнида Плесси остонасида бўлган шиддатли урушда 70000 лик Бенгалия армияси мағлубиятга учради. Шундан сўнг инглизлар Бенгалияда мустақкамланиб оладилар ва вилоят бойликларини талай бошлайдилар. Навоблик лавозимига ўтирган Мир Жафар ўз вазифасини бажарган бўлса-да, олинган бойликлар босқинчиларни каноатлантирмади. Бенгалияда губернатор қилиб тайинланган Г. Ванситтарт Мир Жафардан воз кечиб, унинг куёви Мир Қосимни навоб қилиб тайинлаган. Бу марҳамат эвазига Мир Қосим губернаторга 200000 фунт стерлинг пора берди. Умуман Бенгалияни босиб олиш жараёнида мустамлакачилар Бенгалия хазинасидан 37 млн фунт стерлингга баробар бойликни ўмардилар. Бундан ташқари, инглиз қўмондони Роберт Клайв ва унинг шериклари 21 млн фунт стерлингни ўз чўнтақларига урдилар. Бенгалиядан, умуман Ҳиндистондан ўғирланган, таланган бойликлар ҳисобига Англия буржуазияси янада бойиди ҳамда Англия саноати ривожлана бошлади.

Бенгалияни эгаллаб олган инглиз «Ост-Ҳиндистон» компанияси асосан даромад манбаи бўлмиш солиқ йиғишни ва савдо-сотикни қўлга олди. Инглизлар аҳолидан бешафқат тарзда турли оғир солиқларни ундириб, ҳеч қандай бож, солиқ тўламай савдо-сотик қила бошлаганлар. Натижада, Бенгалия иқтисодиёти издан чикди, меҳнаткаш халқнинг тирикчилиги янада оғирлашди. Инглизларнинг босқинчилик, талончилик сиёсатларидан Бенгалиянинг ҳукмрон табақалари ва навоб Мир Жафар ҳам норози эдилар. Сиёсий ва иқтисодий ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум бўлаётган Мир Жафар инглизларга қарши бош кўтарган. Лекин, ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан устун бўлган инглиз кўшинлари Мир Жафарнинг кучсиз армиясини тор-мор келтирди. Натижада Мир Жафар ва унинг ворислари инглизларга батамом тобе бўлиб қолдилар. Шундан сўнг Бенгалия губернатори бўлиб олган Роберт Клайв Бенгалияни талон-тарож этишни, аҳолини эзишни янада авж олдириб юборган. Аввало, вилоятда янги солиқлар, божлар ва ўлпонлар жорий қилинди, солиқ ундиришнинг бешафқат тизимлари ишлаб чиқилди. Инглиз солиқлари аҳолини, айниқса, деҳқонларни аёвсиз эза бошлади.

Вилоят иктисодиётининг вайрон бўлиши, аҳоли ўртасида мухтожлик ва қашшоқликнинг зўрайиши натижасида Бенгалияда очлик авж олиб кетди. Очлик оқибатида миллионлаб кишилар нобуд бўлдилар. Бундай даҳшатли, аянчли ҳодиса босқинчиларнинг кўнглини юмшатмади, аксинча, солиқ устига солиқ кўпая борди. Бундай фожеани ҳатто Бенгалия губернатори У. Хейстингс ҳам эътироф этган. У Лондонга юборган расмий хабарида шундай ёзган эди: «Бенгалия аҳолисининг учдан бир қисми қирилиб кетса-да, шунингдек, экин майдонлари қисқарган бўлса-да, 1771 йилда йиғилган солиқлар 1768 йилдаги солиқлардан ҳам ошиб кетди». Кейинги йилларда ҳам турли-туман солиқлар кўпайди. Ҳинд манбаларида ёзилишича, 1790-1791 йилларда фақат Бенгалия, Бихор, Орисса вилоятларида олинадиган ер солиғининг миқдори деярли икки баравар ошган. Масалан, 1780 йилда Бенгалияда қарийб 1,5 млн фунт стерлинг миқдорида солиқ йиғилган бўлса, кейинги 10 йил ичида 2,8 млн, 1783 йилда эса 3,4 млн фунт стерлинг миқдорида солиқ ундириб олинган. Расмий маълумотларга қараганда, Бенгалияда содир бўлган очликдан деярли аҳолининг ярми, яъни 10 млн киши ҳалок бўлган. Шунини таъкидлаш лозимки, аҳолининг шу даражадаги аянчли аҳволи учун инглиз мустамлакачилари билан бир қаторда вилоят ҳокимлари, феодаллар, судхўрлар ҳам жавобгардирлар. Улар ўз лавозимлари учун ҳамда солиқ йиғиш учун олинган ҳуқуқлар эвазига инглизларни рози қилишлари шарт эди. Шу сабабли меҳнаткаш оммани эздилар, таладилар.

Бундай икки ёқлама бешафқат зулмдан тоқати тоқ бўлиб эзилган халқ ички ва ташқи зулмларга қарши бир неча марта кўзғолон кўтарди. 1783 йилда Диржа Нарайяна бошчилигида аланга олган кўзғолон инглизларни ҳамда маҳаллий феодалларни ваҳимага солиб қўйди. Бенгалиянинг Рангпур округидаги бу халқ кўзғолони ҳақида инглиз муаллифи Берк шундай деб ёзган эди: «Исён Рангпурда бошланди ва унинг алангаси тезда бошқа округларга ҳам тарқалди. Бу тартибсизликлар Бенгалияда юз берган ҳар қандай исёнлардан кучлироқ бўлди. Инглиз губернатори катта армияни кўзғолончиларга қарши ташлаб зўрға исённи бостирди. Рангпурдаги кўзғолон бошқа ҳудудларга узоқ йиллар акс-садо бериб турди».

Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудларида мустамлакачилар ўз хумронлигини ўрнатган бўлса-да, мамлакатнинг жанубий вилоятлари мустақил бўлиб, инглизларга тиз чўкмаган эдилар. Жанубда барпо этилган Майсур давлати ҳамда маратхларнинг бирлашган конфедерацияси мустақилликни сақлаб қолиш учун инглиз армияси билан бир неча бор жанг қилдилар. Айти пайтда майсурликлар билан маратхлар



ўртасида ҳам тартибсизликлар ва мол-дунё учун уруш бўлди. Бу эса инглизларга ғоятда қўл келган эди. Майсур ҳокими Ҳайдар Али (1761-1762) истеъдодли, омилкор раҳнамо ва моҳир лашкарбоши эди. У қисқа фурсатда Ҳиндистондаги энг интизомли, жанговор, мунтазам армияни барпо этган. 1767-1769 йилларда Англия билан Майсур ўртасидаги урушлар Майсур фойдасига яқунланган бўлсада, инглизлар Майсурни забт этиш режаларидан воз кечганлари йўқ, улар турли хийла-найранглар билан Майсурни маратхларга ва Ҳайдарободга қарши, маратхларни эса Майсурга қарши қайрар эдилар. Бунинг натижасида икки вилоят ўртасида қонли жанглар авж олар эди.

Айни пайтда Майсур билан Маратх конфедерацияси ўртасида инглизларга қарши кураш ҳақида битим тузилди. Бироқ, бундай битимлар тез орада бузилар ва яна икки вилоят бир-бирларига қарши бўлиб қолар эдилар. 1782 йил 7 декабрь куни иккинчи инглиз-майсур уруши кетаётган бир пайтда Ҳайдар Али вафот қилган. Ҳайдар Алининг ўғли Типу Султон отаси каби инглизларнинг ашаддий душмани эди. У ақл-заковатли, жасур инсон бўлиб, Майсур мустақиллиги учун жон куйдирди. Типу Султон отаси каби инглизларга қарши мамлакатдаги барча ватанпарвар кучларни, ҳукмрон табақаларни, барча меҳнат аҳлини бирлаштиришга ҳаракат қилди. Айни пайтда Франция ва Туркиядан ҳам ҳарбий-иқтисодий ёрдам сўради. Афсуски, Типу Султоннинг ватанпарварлик саъй-ҳаракатлари зое кетди. 1799 йилда бўлиб ўтган урушларда инглиз армияси Майсур қўшинларини тор-мор келтирди. Бу урушда Типу Султон ҳам ҳалок бўлди. Шундай қилиб, XVIII асрнинг охирида инглиз мустамлакачилари Жанубий Ҳиндистон ҳудудларини ҳам ўзларига тобе қилиб олдилар.

Мустамлакачиларга бўйсунмаган икки йирик давлат қолди. Бу Махараштра Панжобдаги ҳокимияти эди. Инглизлар ўзларининг босқинчилик «бўлиб ташла, сўнг ҳокимлик қил» шиорларини ишга солиб, Махараштра давлатини издан чиқаришга киришдилар. Ягона давлатга бирлашган маратх хонлиқларини бир-бирларига гижгижладилар, пора бериш, қўрқитиш ва дўқ-пўписалар билан улар орасида низолар, жанжаллар уюштирдилар. Натижада, Махараштра давлатига путур етди ва инглизларга бас кела олмай, бўйсунушга мажбур бўлди. Шундан сўнг Буюк Британиянинг ҳарбий босқинчилари Ҳиндистоннинг иқтисодиётини асоратга солиш, мамлакатни Англия молларининг бозорига айлантириш, шунингдек Ҳиндистонни ҳам ашё манбаига айлантириш сиёсатига зўр бера бошлаганлар. Айни пайтда Англия мустамлакачилари шимолий Ҳиндистондаги ҳамон мустақиллигини сақлаб келаётган баъзи вилоятларни эгаллаш учун барча куч ва

имкониятларини ишга солдилар. Бундай вилоятлардан бири Панжоб эди. Вилоятда 12 хонлик бўлиб, улар бир-биридан мустақил эди. Хонликларни бобурий подшолар билан урушларда қатнашган сикх лашкарбошилари бошқарар эдилар. Сардорлар деб аталмиш бу ҳукмронлар ўртасида доимо зиддиятлар, жанжаллар ҳукм сурар эди. Шунингдек, сардорлар ўлжа олиш мақсадида қўшни вилоятларга ҳам тез-тез ҳужум қилиб турардилар.

Ҳукмронлик учун ўзаро курашларда Ранжит Сингх исмли сардор ғолиб чиқиб, барча хонликларни ягона Панжоб давлатига бирлаштиришга киришди. Ранжит Сингх Панжоб сардорлари ичида энг иродали, эътиқодли ва ақллиси эди. У тез вақт ичида тарқоқ хонликларни бирлаштириб, Панжоб давлатини барпо қилди. Унинг ягона давлат тузиш учун қўйган қадам ва ҳаракатларини аҳолининг деярли барча табақалари маъқулладилар. Ранжит Сингх аввало ташқи хавф-хатарга бас келадиган жанговор мунтазам армияни ташкил қилди. Ҳукмрон феодаллар ҳамда майда ва ўртаҳол деҳқонларни рози қилиш учун имтиёзлар берди, олинадиган солиқлар миқдорини камайтирди. Ранжит Сингх хазинани тўлдириш мақсадида қўшни туманларга юришлар қилиб, Кашмир, Мўлтон ва Пешоварни Панжобга қўшиб олди. Ранжит Сингхнинг куч-қудратидан хабардор бўлган инглизлар дастлабки пайтларда Панжоб давлати билан ҳисоблашишга мажбур бўлдилар. Ранжит Сингхнинг вафотидан (1839) сўнг Панжоб давлатининг куч-қудрати сўна бошлаган. Унинг ворислари ягона давлатни бошқара олмадилар. Панжоб бўлиниб, сардорлар ва ҳукмрон феодаллар ўртасида ҳокимият учун ўзаро курашлар кучайди. Ҳар бир сардор яна солиқларни кўпайтириб, меҳнат аҳлига зулм ўтказа бошлади. Ҳинд сардорлари ҳамда феодаллар мусулмон деҳқонларни қаттиқроқ эза бошлаганлар. Натижада Панжобда мусулмонлар билан хиндлар орасида диний адоват, низолар кучайиб кетди.

Ватан ва халқ манфаати учун жон куйдирган фақат Ранжит Сингх тузган армия қолган эди. Армиянинг асосий қисми майда деҳқонлар, ҳунармандлар, савдогарлардан иборат бўлиб, улар ҳукмрон табақаларнинг сотқинлик сиёсатидан норози эдилар. Ватанпарварлар жанговар армияни сақлаб қолиш, Панжобни ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилиш мақсадида армияни идора қилувчи махсус гуруҳлар - «Панчаят»лар ташкил этганлар. Панчаятларга катта ҳуқуқлар берилди. Лаҳорда тузилган марказий Панчаят давлат ишларини ҳам бошқара бошлади. Лаҳор Панчаяти деярли барча сардорлар фаолиятини назорат остига олди. Ҳатто инглизлар билан алоқада бўлган ҳамда ҳаддан ташқари зулм ўтказган баъзи сардорларни ўлимга

махкум этди. Панчаятлар армияни курул-яроғлар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўриб бордилар. Кундан-кун Панчаятларнинг обрў-эътибори халқ орасида ошиб борди. Армия ва Панчаятларнинг ватанпарварлик ва халқпарварлик фаолияти сардорларни, йирик феодаллар ва судхўрларни саросимага солди. Панжобни забт этишни мўлжаллаган инглиз «Ост-Ҳиндистон» компанияси ҳам Панчаятлар фаолиятидан ташвишда эдилар. Шу боис улар сардорлар билан тил топишга, уларни қўлга олишга ҳаракат қилдилар. «Ост-Ҳиндистон» компанияси билан сотқин ҳукмронлар ўртасида Панчаятларга қарши фитна уюштирилди. Армиядаги баъзи лашкарбошилар пора билан қўлга олинади. 1846 йили февраль ойида Панжоб армияси билан инглиз қўшинлари ўртасида шиддатли уруш бўлди. Сикх аскарлари мислсиз мардлик билан олишсалар-да, сотқинларнинг хиёнати оқибатида мағлубиятга учрадилар. Инглизлар сотқин сардорларга катта лавозимлар, поралар бердилар. Мустамлакачилар ғолиб чиқсалар-да, мамлакатни батамом эгаллашга шошилмайдилар, чунки, улар омон қолган ватанпарвар кучлардан ҳамон чўчирдилар. Шу боис, Панжоб махаражасини эътироф қилиб, у билан дипломатик алоқада бўладилар. Лекин Панжоб ҳокимиятининг инон-ихтиёри «Ост-Ҳиндистон» компанияси қўлида эди.

Панжобнинг бошқа округлари ва туманларига тарқаб кетган сикх аскарлари ва зобитлари ватанпарвар кучларни атрофларига тўплаб, мустамлакачиларга қарши бир неча марта исён кўтардилар. 1848 йилда Мўлтон округида кўтарилган кўзғолон инглизларга жиддий зарба берди. Асосан сикх ватанпарвар аскарларидан ташкил топган Мўлтон армиясини баъзи сардорлар ва йирик феодаллар қўлладилар. 1848 йил феврал ойида Гужарот шаҳри яқинида Мўлтон армияси билан инглиз қўшинлари ўртасида катта уруш бўлди. Бу жангларнинг тақдирини асосан тўплар ҳал қилди. Шу сабабли ҳам тарихда бу жанг «тўп-замбараклар уруши» деб аталди. Замонавий тез отар тўплар билан курулланган инглизлар Мўлтон армиясини енгдилар. Ана шу иккинчи Панжоб-Англия урушидан сўнг Панжоб вилояти ўз мустақиллигини йўқотиб, «Ост-Ҳиндистон» компаниясига батамом тобе бўлиб қолди. Панжоб босиб олингач, XIX аср бошларида барча Ҳиндистон худудлари Буюк Британия тасарруфига ўтди.

Ҳиндистонни ўт ва қилич билан забт этиш деярли 100 йил давом этди. Англия давлати бу қонли урушларни «Ост-Ҳиндистон» компанияси қўли билан олиб борди. Гўё миллионлаб бегуноҳ ҳиндларнинг қонини Англия қироли эмас, компанияга уюшган хусусий шахслар тўккан бўлиб чиқди. Англия ҳукмронлари Ҳиндистонда табиий

ресурсларни талаш режасини амалга ошира бошладилар. Аввало мамлакатда маъмурий мустамлакачилик бошқарув тизимини ишлаб чиқдилар. XIX аср бошларига келиб, мамлакатда 600 дан ортик хонликлар мавжуд бўлиб, уларнинг бирортаси мустақил эмасди. Мустамлакачилар расман бу хонликларни сақлаб қолдилар. Англия ҳукумати инглиз капиталистларининг манфаатини кўзлаб «Ост-Ҳиндистон» компаниясининг фаолиятини чеклаб қўйди. Компания аҳолидан ундириладиган солиқлар, айниқса савдо-сотикдан мўмай даромад қиларди. Бу даромадлар асосан компания аъзоларининг ҳамда баъзи инглиз ҳукмронларининг чўнтагини тўлдирар эди. Англияда капиталистик муносабатлар ва капиталистик ишлаб чиқариш ривожлана боргач, ташқи бозор ҳамда хом-ашё базасига бўлган талаб ва эҳтиёж оша борди. Шу боис, Англия қироллиги «Ост-Ҳиндистон» компаниясининг савдо-сотик монополиясини бекор қилди ва инглиз савдогарларига Ҳиндистонда эркин савдо қилиш ҳуқуқини берди. Англия ҳукумати генерал-губернаторининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтди. Шунингдек, мамлакатда суд тизими ва полиция системаси қайта ишлаб чиқилди. Шунингдек, жазо органларида Англиянинг қонун-қоидалари жорий қилинди ва мамлакатда инглизлар томонидан ташкил қилинган округ бошлиқларининг ҳақ-ҳуқуқлари оширилди. Улар солиқларни ундирар, судьялик қилар ва полиция вазифасини бажарар эдилар. Бундай чора-тадбирлар инглиз саноат капиталининг манфаатларини кўзлаб қилинган чора-тадбирлар эди. Улар тезда мустамлакачилар фойдасига ишлаб, инглизларга катта даромад келтира бошлади.

Масалан, Англия савдогарлари тез орада Ҳиндистон бозорларини эгаллаб, мамлакатга кўплаб мол келтира бошладилар. 1835 йилда тахминан 5 млн. фунт стерлинг мол келтирилган бўлса, 1856 йилда Ҳиндистонда 13 млн. фунт стерлинг миқдорида инглиз моллари сотилди. Бу молларнинг асосий қисмини ип-газламалардан тўқилган моллар ташкил этган. Айни пайтда Англия савдо-саноат доиралари Ҳиндистондан кўп миқдорда арзон нархларда пахта харид қила бошлаганлар. Чунончи, 1844 йилга келиб, пахта экспорти деярли 10 марта, 1857 йилда эса 15 баробар кўпайган. Инглиз енгил саноати моллари ҳинд моллари сингари пишиқ-пухта бўлмаса-да, аммо нархи арзон эди ва шу боис харидоргир бўлган. Ҳиндистон бозорларининг инглиз молларига тўлиши оқибатида ҳинд хунармандлари катта зарар кўрдилар. Уларнинг касб-кори, моллари касодга учради. Мамлакатда хунармандчилик инқирози бошланди. Англия савдогарлари ҳинд қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдосидан ҳам мўмай даромад ола

бошладилар. 1839-1856 йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш икки марта ошди. Мустамлакачилар қандай мол фойда келтирса, шу мол олди-сотдиси билан шуғулланар эдилар. Жумладан, улар қимматбаҳо металллар савдосидан ҳам катта даромад орттирдилар. Шу боис қимматбаҳо тошлар экспорти 1830-1850 йилларда деярли 9 марта кўпайди. Маълумки, мустамлакачиларнинг асосий даромад манбаларидан бири ердан, дехқонлардан олинадиган турли солиқлар бўлган. Шунинг учун ҳам инглизлар солиқ тизимини тартибга солиш, аграр муаммоларни ўз фойдаларига ҳал этиш билан шуғулландилар. Жумладан, узоқ муддатга мўлжалланган солиқлар тизими жорий қилинди. Бундай тадбирлар натижасида дехқонларнинг ерга бўлган хусусий мулкчилик иштиёқи кучайди. Айни пайтда аграр соҳада ўтказилган ислохотлар оқибатида солиқлар кўпайиб, мустамлакачиларнинг даромади ошиб борди. Ҳар бир туман, вилоят ва округларнинг маҳаллий шароитларига қараб ер-солиқ тизимларини жорий этдилар ва ундан қўзланган ягона мақсад – кўпроқ солиқ ундириш эди.

Масалан, Бенгалия, Бихор, Орисса вилоятларида заминдорлик тизими жорий қилинди. Илгари заминдорлар солиқларни йиғиб, вилоят ҳокимларига топширар, маълум қисмини ўзларига қолдирар эдилар. Инглизлар чиқарган янги қоидага биноан, заминдорлар солиқ йиғадиган ерлар энди уларнинг хусусий мулкига айлантирилди. Заминдорлар ўз ерларидан олинадиган ҳосилининг 10 дан 9 қисмини «Ост Ҳиндистон» компаниясига солиқ тарзида тўлайдиган бўлдилар. Агар бу солиқни ўз муддатида тўлиқ тўланмаса, ер бошқаларга сотила бошланади. Баъзи вилоятларда «роятвори» аталмиш солиқ тизими жорий этилди. Янги системага кўра, ерларни муддатсиз ижарага олган дехқонлар «Ост-Ҳиндистон» компаниясига оғир солиқлар тўлашга, асосан пул билан тўлашга мажбур эдилар. Бу тоифадаги дехқон-роятлар пул солиқларини вақтида тўлай олмай судхўрлардан қарз кўтарар ва қарзни вақтида тўлай олмай ерларни арзон гаровга сотишга мажбур бўлардилар. Ер-сув жамоа мулки бўлиб сақланган ҳудудларда ҳам дехқонлар тўлайдиган солиқлар миқдори тобора ошиб борар, натижада дехқонларнинг тирикчилиги, турмуши кун сайин оғирлашиб борди. Хуллас, инглизларнинг аграр сиёсати оқибатида илгари мавжуд бўлган аграр муносабатлар ўзгара бошлади ва дехқонларнинг моддий ҳаёти илгаригидан беш баттар ёмонлашди. Оқибатда мамлакатда мухтожлик, қашшоқлик ва очарчиликлар авж олди. Расмий манбаларда ёзилишича, мамлакатда XIX аср бошида етти марта очлик содир бўлган, миллионлаб кишилар ҳалок бўлганлар.

Шуни таъкидлаш лозимки, мустамлакачилар Ҳиндистондаги мавжуд деҳқон-жамоа мулкчилик тизимини ўзгартириб ташладилар. Натижада ер-сувга бўлган жамоа эгаллиги, жамоа ихтиёридаги ерлар заминдорлар, судхўрлар қўлига ўта бошлади. Ерга бўлган феодал ва давлат мулкчилиги ўрнига заминдорлар, судхўрлар мулкчилиги қарор топа бошлади.

Инглиз мустамлакачилари юзаки қараганда мамлакатда ижобий чора-тадбирлар ва ислохотлар ўткази бошладилар. Чунончи, қишлоқларда эски суғориш иншоотлари таъмирланди ва янги каналлар, сув ҳавзалари, омборлари қурилди. Лекин солиқлар 50 фоизга кўпайтирилди. Мамлакатдаги мавжуд транспорт йўллари, кўприклар қайта қурилади бошланди, янгилари барпо қилинди, портлар, шунингдек темир йўллар, почта-алоқа объектлари қурилди. Лекин бу қурилишлардан, аввало мустамлакачилар манфаат кўрдилар ва ўз даромадларини кўпайтирдилар.

Англия ҳукмронлари Ҳиндистонда ўз сиёсий-иқтисодий мавқе-ларини мустаҳкамлашга қаратилган кўп соҳаларни қамраб олган ислохотларни амалга оширдилар. Чунончи, маъмурий бошқарув органларининг қўйи лавозимларига ҳиндлар жалб қилина бошландилар. «Ост-Ҳиндистон» компаниясининг фуқаролик маъмурий аппаратларида ишловчи ҳиндлар сони деярли икки баробар кўпайтирилди. Шунингдек, иккинчи даражали суд органларига ҳам кўплаб ҳиндлар жалб қилинди. Лекин, ҳинд давлат маъмурларининг маоши инглиз маъмурларининг маошидан жуда ҳам кам эди. Масалан, ҳинд судьяси инглиз судьясидан 25 марта кам иш ҳақи оларди. Англия ҳукмронлари мамлакатда ўз ғоявий-маънавий таъсирларини кучайтириш мақсадида маориф ва маърифат борасида ҳам ислохотлар ўтказдилар. Олий, ўрта ва бошланғич таълим-тарбия мактаблари сони кўпайтирилди. Олий ва ўрта ўқув юртлирида, асосан инглизларга содиқ бўлган юқори табақадан чиққан ёшлар билим ола бошладилар. Уларда ўқув жараёнлари асосан инглиз тилида, қўйи бошланғич мактабларда эса дарслар ҳинд тилида олиб борилар эди. Шуни таъкидлаш лозимки, мустамлакачилик сиёсатининг асосий дастаклари, омилларидан бири бўлмиш тилга жиддий эътибор берилди. Рус мустамлакачилари Ўрта Осиёда рус тилини қандай жорий қилган бўлсалар, инглизлар ҳам ўз тилларини Ҳиндистонда кенг тарқата бошладилар. Жумладан, инглиз тилидаги мактаблар сони 1855 йилда деярли 17 марта, яъни 3 мингдан 49 мингга кўпайди. Албатта, бундай ислохотлар, аввало инглизларнинг мустамлакачилик манфаатларига хизмат қилсада, улар объектив равишда мамлакат ҳаётида ижобий самаралар ҳам берди. Чунончи,

аҳолининг маълум табақалари Ғарб маърифати ва маданиятидан бахраманд бўла бошладилар. Улар ўз навбатида омма ўртасида маърифат ва маданиятни тарқатишда фаол ҳаракат қилдилар. Ўша даврдаги маърифат ташвиқотчиларидан энг машҳури Рам Мохан Рай (1772-1833) эди. У тўқ оиладан чиққан бўлиб, араб, форс ва инглиз тилларини мукаммал эгаллаган. Рам Моханд Рай реакцион диний ақидаларни қоралаб, паст табақаларни камситиш, бева аёлларнинг ўз-ўзини ёқиб юбориши, гўдак қиз болаларни нобуд қилиш каби ваҳшийликларга қарши кескин курашди. У ҳинд ва ислом динини ўзаро келиштиришга, диний ихтилофлар ва низоларни бартараф этишга уринди. Халқ ўртасида маориф-маърифат тарқатиш мақсадида газеталар нашр қилди, диний илмлар билан бирга дунёвий илмларни кенг ташвиқ этди. Рам Мохан Рай томонидан Калькуттада очилган «Брахма самаж» номли жамият омма ўртасида тараққийпарвар ғоялар, маънавий-маърифий билимлар тарқатишда катта роль ўйнади. Рам Мохан Рай вафотидан сўнг унинг ишларини шогирдлари, мухлислари давом эттирдилар. Мамлакатнинг кўпгина вилоят марказларида ва шаҳарларида «Брахма самаж» жамияти сингари илғор ватанпарвар кучлар бирлашган уюшмалар, жамиятлар ташкил топа бошлади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, XIX аср бошларида Ғарб мамлакатларида, чунончи Англияда кучайиб кетган капиталистик ишлаб чиқариш, капиталистик муносабатлар Ҳиндистонда ҳам акс садо берди. Мамлакатда энгил саноат корхоналари, савдо-сотик тармоқлари, миллий банклар, пайдо бўла бошлади. Айни пайтда улар миллий буржуазиянинг вужудга келишини тезлаштирди. Савдо-саноат буржуазияси, янги помешчиклар ва миллий амалдорларнинг кўпи инглизларга тобе бўлиб, улар измидан чиқмасаларда, бора-бора улар орасида ватапарварлик, эрк, озодлик туйғуси кучая борди.

Англия мустамлакачиларининг Ҳиндистондаги ҳарбий ва сиёсий, иқтисодий мавқеи мустаҳкамланган сари мамлакат бойликларини талаш, халқни эзиш ҳам авж олди. Тобора ошиб бораётган турли солиқлар, ўлпон ва божлар, инсон ҳуқуқларини поймол этишлар, ирқий, диний камситишлар ҳинд халқининг ғазабини, нафратини оширди. Оқибатда, деярли барча худудларда, барча аҳоли табақалари орасида оммавий норозиликлар, исёнлар, кўзғолонлар аланга олди. Бу ҳаракатлар тарқоқлиги, ғоявий-сиёсий жиҳатдан заифлиги, моддий-иқтисодий базасини бўшлиги сабабли улар мағлубиятга учрадилар. Лекин бу эрк, озодлик учун, яхши ҳаёт, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун олиб борилган халқ ҳаракатлари 1880 йиллардаги машҳур кўзғолонларга, 1857-1859 йилларда бутун мамлакатни қамраб олган

Сипоҳийлар қўзғолонига замин яратди, туртки бўлди. 1857-1858 йиллардаги халқ ҳаракатлари асосан илгаригидек диний ниқобларда, диний шиорлар остида ривож олди.

### Назорат учун саволлар:

1. Ким 1756 йилда Бенгалия ноибни этиб тайинланади?
2. 1830-1850 йилларда Ҳиндистонда қимматбаҳо тошлар экспорти неча баробар кўпайди?
3. XIX аср ўрталарида Ҳиндистоннинг қайси вилоятларида заминдорлик тизими жорий қилинди?
4. Рам Моханд Рай жамиятда қайси иллатларни йўқотишга қарши кураш олиб борди?

## СИПОҲИЙЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ

1850 йиллардаги халқ исёнларининг қудрати ва тарихий аҳамияти шундаки, исёнларда армия иштирок этди. Шу вақтгача содир бўлган умумхалқ норозиликлари, исёнларини армия бостирган бўлса, эндиликда армиянинг ўзи халқ ҳаракатига бошчилик қилди. Хўш, бунинг сабаби нимада? Маълумки, инглизлар ўз қуроли кучлари билан Ҳиндистонни забт этгач, унда маҳкам ўрнашиб олиш учун армияга маҳаллий ёшларни жалб қила бошлади. Сипоҳийлар деб аталган ҳинд аскарлари асосан майда ва ўртаҳол феодалларнинг фарзандлари бўлганлар. Инглиз босқини натижасида мамлакат иқтисодиёти инқирозга учрагач, қишлоқ ва шаҳарларда тирикчилик ниҳоят даражада оғирлашган бир пайтда ёшлар армиядан паноҳ топганлар. Чунки армия уларни моддий жиҳатдан яхши таъминлаган, сипоҳийларнинг қорни тўқ, эғни бут бўлган. Ҳинд армиясининг 50-йиллардаги асосий вазифаси мустамлакачилар манфаатларини қўриқлаш, химоя қилиш, шунингдек, халқ ҳаракатларини бостиришдан иборат эди. Сипоҳийларга инглиз ҳарбийлари бошчилик қилганлар. Улар сипоҳийларнинг ҳар бир қадамини кузатиб турганлар. Ҳинд аскарларининг ҳеч қандай ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқлари бўлмаган, улар фақат буйруқни бажарганлар. Буйруқлар эса халқни бостириш, беғуноҳларни осий, отиш, ҳибсга олишдан иборат бўлган. Мустамлакачиларнинг шафқатсиз зўравонлик, босқинчилик буйруқларини бажарган сипоҳийларнинг бора-бора кўзи очилиб, уларда ватанпарварлик, эрк, озодлик туйғуси уйғона бошлади. Айни пайтда босқинчи мустамлакачиларга қарши ғазаб, нафрат туйғуси ҳам жўш ура



бошлади. Ўз она қишлоғи, муқаддас Ватанининг талон-тарож қилиниши, Ўз ота-онаси, опа-сингиллари ва ака-укаларининг таҳқирланишини ўз кўзи билан кўрган ва бундай дахшатларга дош бера олмаган сипоҳийлар жунбушга келди. Бу жунбушнинг аланга олиши учун баҳона лозим эди.

Ўша пайтда хорижий Шарқ мамлакатлари орасида Ҳиндистон армияси сон ва сифат жиҳатидан энг катта ва кучли ҳисобланарди. Мустамлакачилар ихтиёрида 280 мингдан ортиқ хинд сипоҳийлари, шундан 45 мингдан ортиқ инглиз солдатлари бор эди. Инглизлар сипоҳийларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ўқситганлар ва камситганлар. Сипоҳийлар маоши инглиз аскарлари маошидан бир неча марта кам эди. Инглиз зобитлари сипоҳийларни менсимас, арзимаган баҳоналар билан қаттиқ жазолар эдилар. Юқорида санаб ўтилган сабабларга кўра сипоҳийларнинг сабр косаси тўла бошлаганди. Маълумки, хиндулар сигирни муқаддас деб билиб, унинг гўштини истеъмол қилмайдилар, мусулмонлар учун эса чўчка макруҳ ва ҳаромдир. Сипоҳийлар ишлатадиган милтиқ ўқлари сигир ва чўчка ёғи билан мойланган экан. Бу ҳол кўзғолон чиқишининг асосий баҳоналаридан бири бўлди. Бундан ташқари, инглизлар сипоҳийларни христиан динига киргизмоқчилар, деган гаплар ҳам тарқалди.

Сипоҳийларнинг дастлабки чиқиши Мирут шаҳрида бошланди. Исённи шаҳарнинг барча аҳолиси қўллаб-қувватлади. Исёнчилар шаҳардаги инглиз қатъасини тор-мор қилгач, Дехлига қараб юрдилар. Улар Бобурийлар сулоласининг сўнгги шоҳи бўлмиш Баҳодиршоҳ II ни кўзғолонга раҳбарлик қилишга чақирдилар. Баҳодиршоҳ II Ҳиндистон подшоси ҳисоблансада, унинг ҳеч қандай ҳуқуқлари йўқ бўлиб, фақат инглизлар нафақасига яшар эди. Баҳодиршоҳ сипоҳийлар талабига кўнғач, уни Ҳиндистон императори деб эълон қилдилар ва барча хинд халқини исёнга қўшилишга чақирдилар. Мусулмон уламолари эса, барча мусулмонларни муқаддас ғазовотга даъват қилдилар. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, инглиз мустамлакачиларига қарши мусулмонлар ва хиндулар биргалашиб исён кўтардилар. Инглизларнинг хинду ва мусулмонларда диний адоватни кўзғаш, улар ўртасида жанжал чиқаришга бўлган барча уринишлари барбод бўлди.

Дехлиннинг исёнчилар қўлига ўтганлиги ҳақидаги хабар барча вилоят ва шаҳарларга етиб боргандан кейин уларда ҳам халқ кўзғолонлари аланга олган. Айниқса, Марказий Ҳиндистон ҳудудларида авжига чикди. Жумладан, Канпурда сипоҳийлар ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар. Айни пайтда исён собиқ Ауд вилоятини қамраб олди. Сипоҳийлар ҳудуд ва пойтахт Лакхнау шаҳрини инглизлардан

озод килдилар. Исённинг ўчоғи бўлмиш Дехлидаги вазият ўзгара бошлади. Баҳодиршоҳ II исёнга раҳбарлик қилишга ожиз бўлиб қолди. Ўша пайтларда у 80 ёшдан ошган эди. Бунинг устига шох ворислари бўлмиш баъзи шахзодалар, ҳукмронлар кўзғолончилардан кўриқиб, хуфёна инглизлар билан тил топишга ҳаракат қилдилар. Бундай хавфли вазиятни кўрган исён раҳбарлари кўзғолончиларнинг махсус ваколатли кенгашини туздилар. Улар орасидаги баъзи келишмовчиликлар, стратегия ва тактика соҳасидаги хатолар, армиядаги иқтисодий муаммолар сипоҳийлар ҳаракатини заифлаштирди. Баъзи сипоҳий кўшинлари Дехлини тарк эта бошладилар. Исёнчилар кенгаши бундай хавфли вазиятни бартараф қилиш мақсадида мамлакатнинг барча аҳолисига мурожаатнома эълон қилди. Унда аҳолининг барча табақаларига катта моддий имтиёзлар берилиши айтилди. Афсуски, бу мурожаат ҳам исёнчиларни руҳлантирмади. Мустамлакачилар жуда катта қуролли куч тўплаб, Дехлига ҳужум қилдилар ва 5 кунлик шиддатли жанглардан сўнг уни эгалладилар. Улар асир олинган сипоҳийларни ҳамда тинч аҳолини қирғин қила бошладилар. Ўша пайтларда Дехлида истиқомат қилаётган машҳур адиб Мирза Ғолиб ўз кўзи билан кўрган даҳшатли воқеаларни ўзининг «Дастанбу» асарида шундай таърифлаган эди: «Кўзлари қонга тўлган босқинчилар бечора ва ноилож қолган халқнинг уйларини ёқиб ташладилар, одамлар қатори ит ва мушукларни кириб ташладилар. Шаҳар ва қишлоқлардаги қудуқлар хотин-халаж ва ёш болаларнинг жасади билан тўлиб кетган эди».

Бундай шафқатсизликдан ҳатто Бомбей губернатори лорд Эльфинстон ҳам афсусланиб шундай деган эди: «Армиямизнинг Дехли таслим бўлгач, қилган жиноятларини тасвирлашга тил бормайди. Биз душманларни ҳам, дўстларни ҳам қирғинбарот қилдик. Шафқатсизлик ва талончиликда Нодиршоҳдан ҳам ўзиб кетдик». Мустамлакачилар Дехлини эгаллаб олгач, бошқа ҳудудлардаги исёнларни ҳам бостиришга киришдилар.

1858 йилнинг март ойида 70 минглик инглиз армияси Лакхнауни забт этди. Икки ҳафта давомида инглизлар шаҳар аҳолисини бешафқат қирдилар, таладилар. Шундан сўнг сипоҳийлар кўзғолони асосан бостирилган бўлсада, баъзи вилоятларда, жумладан Ауд ҳудудида партизанлар ҳаракати инглизларга зарба бера бошлади. Айниқса, марказий Ҳиндистонда партизанлар ҳаракатининг машҳур раҳнамоси Гангия Топи инглизларни ваҳимага солиб қўйди. У Жҳанси хонлигининг ҳукмдори бўлмиш Лакшмибай хоним каби озодлик ва мустақиллик курашининг машҳур раҳбарларидан бири сифатида Ҳиндистон

тарихида номи қолган аёлдир. У эркаклар кийимида душман билан мардона олишган. Ватан мустақиллиги учун жон фидо этган эди. Партизанлар ҳаракати ҳам сипоҳийлар қўзғолони сингари катта қуролли куч билан бостирилди. Сотқин ҳукмдорлар ва феодаллар партизанлар ҳаракатини бостиришда ҳам инглизларга ёрдам бердилар. Сотқинлардан бири Аҳмадшоҳни ўлдириб, унинг бошини инглизларга 50 минг рупийга пуллаган, иккинчи бир сотқин Тантияни мустамлакачиларга тутиб берган.

Лекин бу қўзғолон фақат Ҳиндистондаги эмас, балки жаҳон инқилобий ҳаракатлар тарихида ҳам алоҳида муҳим ўрин тутди. Сипоҳийлар исёни барча ҳинд халқини, шунингдек, хорижий Шарқ халқларини ҳам янгидан-янги миллий-озодлик курашларига илҳомлантирди. Энг муҳими, Ҳиндистонда инглизларнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши қакшатқич зарба берилди.

Сипоҳийлар мағлубиятининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборатдир: биринчидан, исён қатнашчиларининг тор доирадаги шахсий манфаатлари барча аҳолини мустаҳкам ягона ташкилотга, иттифоққа бирлаштира олмади. Исёнчиларнинг аксарияти жамоа деҳқонлари бўлиб, улар солиқлардан озод ва ўз ерларининг ҳақиқий эгаси бўлишни хоҳлардилар. Исёнга қўшилган ҳунармандларнинг ҳам тор манфаатлари бор эди. Сипоҳийларга тарафдор бўлган феодаллар эса ўз иқтисодий-сиёсий мавқеларини мустаҳкамлашни хоҳлардилар. Мағлубият сабабларидан иккинчиси қўзғолон раҳбариятининг аниқ дастури, пишиқ-пухта ҳарбий-стратегик режаси йўқ эди. Қўғолон раҳбарияти ичида моҳир, жасур лашкарбошилар бўлсада, лекин уларнинг ҳарбий билими, тажрибаси инглизларникидан паст эди. Қўзғолончилар Дехли, Канпур ва Лакхнауни эгаллаганларидан сўнг бу ютукни мустаҳкамлаш, ҳукмронликни янада кучайтириш ўрнига мудофаага ўтиб олдилар. Шунингдек, сипоҳийларнинг ҳам жанговор тайёргарлиги, ҳарбий маҳорати инглиз аскарларига нисбатан орқада турарди. Бундан ташқари, инглиз солдатларининг ҳарбий интизоми юқори даражада бўлиб, улар сифатли, замонавий қурол-яроғ билан қуролланган эдилар. Улар ҳар қандай шароитда ҳам машқлар қилиб, ҳужум, мудофаа ва қамал тактикасини яхши эгаллаган эдилар. Исён мағлубиятининг яна бир сабаби, сипоҳийлар раҳбарияти ичида, исёнга қўшилган ҳукмрон табақалар орасида келишмовчиликлар, тарафкашликлар содир бўлди. Уларнинг маълум қисми сотқинлик қилди, шунингдек, улар умумхалқ озодлик ҳаракати феодалларни, барча ҳукмронларни янчиб ташлайди, ҳокимият қашшоқлар қўлига ўтиб кетади, деб чўчидилар. Мағлубият сабабларидан яна бири шуки, исён кўтарган барча вилоятлар, шаҳарлар,

туман, округлар ўзаро бирлашмадилар, ковушмадилар. Бундан ташқари, исёнчилар ўртасидаги миллий, диний, ирқий ва табақавий тафовутлар ҳам салбий таъсир кўрсатди.

### Назорат учун саволлар:

1. Сипоҳийлар кўзғолони қайси йилларда бўлиб ўтган?
2. Сипоҳийлар кимлар эди?
3. Кўзғолон дастлаб қайси шаҳарда бошланди?
4. 1858 йилда сипоҳийлар қайси шаҳарни эгалладилар?

## ҲИНДИСТОННИНГ XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ

Маълумки, Англия ҳукмронлари Ҳиндистон ҳудудларини «Ост-Ҳиндистон» компанияси номи ва қўли билан босиб олдилар. Бу компания амалдорлари ҳамда маҳаллий ҳомийлари босқинчилик ва талончилик сиёсатини оғишмай ва бешафқат олиб бордилар. Шу боис ҳам ҳинд халқи, жумладан сипоҳийлар компанияни ашаддий душман деб билдилар. Сипоҳийлар кўзғолони даврида «Ост-Ҳиндистон» компанияси озодлик ва мустақиллик ҳаракатини бостириш учун барча куч ва имкониятларини ишга солди. Компаниянинг халққа қарши ҳатти-ҳаракатлари ҳиндларнинг ғазаб ва нафратини янада кучайтириб юборди. Англия ҳукмронлари сипоҳийлар ғалаёнини бостирар эканлар, эндиликда эскича мустамлакачилик усуллари ва воситалари билан Ҳиндистонни бошқариш мумкин эмаслигини тушуниб олдилар, улар мустамлакачилик сиёсатини янги дастурлар, янги усуллар, воситалар ва режалар билан юргизиш ва шу йўсинда мамлакатда мустаҳкам ўрнашишга ҳаракат қилдилар. 1858 йилда Англия парламенти «Ҳиндистонни яхшироқ идора қилиш ҳақида» қонун қабул қилди. Қонунга кўра, машъум «Ост-Ҳиндистон» компанияси тугатилди. Ҳиндистон давлат ҳокимияти Англия қироллиги ихтиёрига ўтказилди. Шунингдек, Англия парламенти ва ҳукумати Ҳиндистонни бевосита бошқарадиган бўлди. Ҳукумат қошида таъсис қилинган Ҳиндистон ишлари бўйича махсус вазирлик Ҳиндистондаги маъмурий бошқарув идораларини ҳамда барча қуролли кучларни ўз қўлига олди. Мамлакатдаги генерал-губернатор више-қирол мақомини олди. 1858 йил 1 ноябрда Англия қироличаси Викториа махсус манифест эълон қилди. Манифестдан мақсад феодал ҳукмронларни Англия томонига оғдириш ва мустамла-

качилик сиёсатини юргизишда улардан фойдаланиш эди. Манифестда шундай дейилган эди: «Биз энди ҳудудларни янада кенгайтиришни истаймиз. Сиз маҳаллий князларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, кадр-қимматини ва шон-шарафини ўзимизникидай ҳурмат қиламиз». Шунингдек манифестда феодалларнинг ерга бўлган наслдан наслга ўтиб келаётган мулкчилик ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этилади ва кафолатланади, дейилган. Манифестга биноан, илгари баъзи князликларда мусодара қилинган ерлар эгаларига қайтариб берилди. Масалан, Ауд вилоятида мусодара қилинган 157 кишлоқ феодалларга қайтариб берилди. Шунингдек, мустамлакачилар кишлоқ жамоаси манфаатларини ҳимоя қиладиган баъзи чора-тадбирларни кўрдилар. Чунончи, деҳқонлардан ундириладиган солиқлар миқдори бир оз камайтирилди, уларга моддий ва маънавий имтиёзлар берилди. 1858 йилда «Доимий ижара ҳақида»ги қонун қабул қилинди. Бу қонунга кўра, заминдорларнинг солиқ рента-ларини кўпайтириш, деҳқонларни ижара ерларидан ҳайдаб юбориш ҳуқуқлари чеклаб қўйилди. Лекин, ижарачиларни аксарияти ерни яхши ишлай олмай судхўрлардан қарз ола бошлади ва қарзларни вақтида тўлай олмай, ерни сотишга мажбур бўлдилар. Масалан, биргина Мадраснинг ўзида ер участкаларини сотиш 1890-1900 йилларда 10 барабар кўпайди. Панжоб вилоятида эса 1890-1895 йилларда 135 минг акр ер сотилди. Сотилган ерларнинг кўпи савдо-судхўрлик капитали-нинг қўлида тўплана бошланди.

Англия ҳукмронлари мамлакатни идора этишда маҳаллий кадрлардан ҳам фойдаланишга қаратилган ислохотларни амалга оширдилар. Жумладан 60-йилларда суд ва маъмурий органларни ислох этиш компанияси ўтказилди. Баъзи вилоятларда қонун чиқарувчи кенгашлар ташкил этилди. Лекин улар асосан маслаҳатчи орган эдилар. Генерал-губернаторнинг ҳудудлардаги маъмурий аппаратларига ҳиндлар жалб қилина бошланди. Суд органларида ҳам маҳаллий кадрлар сони кўпайтирилди. Сипоҳийлардан ташкил топган армияда ҳам ислохотлар ўтказилди. Чунончи, армияда инглиз аскар ва офицерлари сони кўпайтирилди. Сипоҳийларни ғоявий ва психологик жиҳатдан тарбиялаш ишларига жиддий эътибор берилди. Шундай қилиб, Англия ҳукмронлари мустамлакачилик ҳокимиятининг ижтимоий базасини мустаҳкамлашга қаттиқ киришдилар. XIX асрнинг 60-йилларидаги жаҳон иқтисодий инқирозидан сўнг «жаҳоннинг устахонаси» ҳисобланган Англиянинг иқтисодий куч-қуввати ва нуфузи заифлаша бошлади. Бундан ташвишланган Англия ҳукмронлари, айниқса, Ҳиндистон ҳисобидан иқтисодиётни ривожлантириш, жаҳон бозоридаги устунлигини тиклашга тушдилар. Аввало, Ҳиндистондан

олинаётган инглиз саноати учун ғоят зарур бўлмиш хом-ашё экспортини кўпайтириш чоралари кўрилди. Айниқса, пахта экспортига жиддий эътибор берилди. Чунки, пахта Англия енгил саноатининг ривожини учун энг зарурий маҳсулот эди. 1884 йилда 1863 йилдагидан деярли икки марта кўп, яъни 600 минг тоннадан ошиқ пахта Ҳиндистондан олиб кетилган. Бундан ташқари, бошқа хом ашё маҳсулотларини экспорт қилиш ҳам йил сайин кўпайиб борди. Жумладан, 1865 йилда жун, пилла, кунжут экспорти ҳам деярли икки баробар кўпайди. Айни пайтда инглиз капиталистлари арзон нархларда озиқ-овқат маҳсулотларини кўплаб харид қила бошладилар. Жумладан, шоли экспорти 3 баравар, буғдой 7, писта ёғи экспорти 7 марта кўпайди. Умуман 1860 йилларда 28 млн фунт стерлинглик озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт қилинган бўлса, 1884 йили 79 млн. фунт стерлинг қийматидаги маҳсулот ташиб кетилган. Айни пайтда Ҳиндистон Англия моллари бозорига айланиб борди. 1880 йилларга келиб Ҳиндистонда сотилаётган инглиз молларининг миқдори тўрт марта ошди. Зотан, инглиз ҳукмронлари Ҳиндистон билан тобора кўпайиб бораётган ўзаро савдо-сотиқдан ғоят катта фойда ола бошладилар. Йил сайин ривож олиб бораётган капиталистик муносабатлар ва ишлаб чиқариш фойда орқасидан қувиш, мустамлакаларни эксплуатация қилишни янада кучайтиришни талаб этарди. Шу боис ҳам Англия капиталистлари Ҳиндистонда саноат корхоналари, алоқа ва транспорт тизими қуриш билан фойдани янада оширишга ҳаракат қилдилар. Маълумки, хом-ашёни ташиб кетиш, мол келтириб сотиш ҳамда сиёсий-иқтисодий ҳамда ҳарбий стратегик ҳукмронликни мустаҳкамлаш учун замонавий транспорт алоқа воситалари ғоят зарурдир. Айниқса, темир йўлларнинг роли ва аҳамияти беқиёсдир. Шунинг учун мустамлакачилар, аввало, темир йўл қурилишига эътибор бердилар. Агар 1859 йилда атиги 32 км темир йўл қурилган бўлса, 1869 йилда 8 минг км, 1900 йилда 39,8 минг км темир йўл барпо қилинди. Англия капиталистлари завод, фабрика қурилишларини ҳам жадаллаштириб юбордилар. Мамлакатда тўқимачилик, шойи-газлама тайёрлаш, кунжут ишлаб чиқариш фабрикалари барпо қилина бошланди.

Хом-ашё молларини кўплаб экспорт қилиш ва ундан мўмай даромад олиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришни тақозо этарди. Дехқончилик маҳсулотларини кўпайтириш эса, айниқса, суғориш иншоотларига боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам мустамлакачилар каналлар, сув ҳавзалари, омборлари қурилишига капитал сарфлай бошладилар. Барпо қилинган сув иншоотларидан келадиغان даромад йилдан йилга ошиб борди. Чунончи, фақат 1900 йилда суғориш

иншоотлари инглизларга 27,7 млн рупий фойда келтирди. Мустамлакачилар кўп фойда келтирадиган плантация хўжалиklarини ривожлантиришга ҳам сармоя сарфладилар. Натижада, мамлакатда кофе, айниқса чой плантациялари кенгайди. 1871 йилдаёқ чой экиладиган плантациялар 2000 акрдан 31 минг акргача кўпайди, шу йили 6 млн фунт стерлинг қийматидаги чой етиштирилди.

Бундан ташқари, даромад келтирувчи манбалардан асосийси илгаригидек, аҳолидан, айниқса деҳқончиликдан олинадиган солиқлар эди. Мустамлакачилар сипоҳийлар кўзғолонидан сўнг солиқ ставкаларини бир оз камайтирган бўлсаларда, аммо турли солиқлар, ўлпонлар ва божлардан катта даромад қилардилар. Янгича ер-сувларни аниқлаш, ўлчаш тизимини жорий қилиш натижасида илгари солиқ солилмаган ҳамда фойдаланилмаган ерлар аниқланди ва уларга солиқлар солинди. Бундан ташқари, инглизлар ўзлари қурган сув иншоотларидан олинадиган сув ҳақини оширдилар. Чунончи, Мадрас вилоятида сувдан фойдаланиш ҳақи 1870 йилда 1,8 марта ошди. Инглизлар ўз ихтиёрларидаги яйловлар, ўтлоқлар ва ўрмон массивларини ижарага бериб, ундан ҳам катта фойда ола бошладилар. Умуман олганда, асосий ва қўшимча солиқлардан олинадиган даромад 1859 йилда 361 млн рупийни ташкил этган бўлса, 1890 йилда 851 млн рупийга кўпайган. Расмий маълумотларга кўра, Англия ҳукмронлари ҳар йили Ҳиндистондан тахминан 100 млн фунт стерлинг миқдорида даромад қилар эдилар.

Англия ҳукмронларининг бундай шафқатсиз талончилик сиёсати Ҳиндистон халқларининг ижтимоий-иқтисодий аҳолини, меҳнат аҳлининг моддий ҳаётини оғирлаштирди. Маҳаллий ҳукмронларнинг, помешчик феодаллар ва судхўрларнинг ижтимоий-иқтисодий зулми аҳоли тирикчилигини янада ёмонлаштирди. Натижада аҳоли ўртасида муҳтожлик, кашшоқлик ва очлик кучайди. Фақат 1874 йилда 21 млн киши очликка мубтало бўлган бўлса, 1878 йилда 58 млн киши очликдан силласи қуриди. 1875 йилда очликдан 5 млн киши ҳалок бўлган бўлса, 1900 йилда 26 млн киши вафот этган.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Ҳиндистонни бозор ва хом-ашё базаси сифатида эксплуатация қилиш натижасида ҳинд қишлоқларида мол-пул муносабатлари янада ривожланди. Баъзи вилоятларда харидоргир молларни экиш, янада кўпроқ фойда келтирадиган ихтисослашган маҳсулотларни етиштириш ривожланди. Техника экинларини кўпроқ етиштириш оқибатида худудларда мол алмаштириш жараёни ўса борди. Солиқларни пул билан тўлашга қийналиб қолган деҳқонлар судхўрлардан қарз кўтаришга мажбур бўлар, қарздан

қутула олмаган деҳқонлар ерини сотиб хонавайрон бўлар, бундан фақат савдо, судхўрлик билан шуғулланган табақалар катта манфаат кўрардилар. Бундан ташқари, маҳаллий савдогар ва судхўр табақалар инглиз молларини сотишда, ҳинд хом ашёсини экспорт қилишда воситачилик қилиб, ундан ҳам фойда ола бошлаганлар. Бунинг натижасида шаклланиб келаётган ҳинд буржуазиясининг пули, молдунёси кўпайди. Ҳинд сармоялари ўз капиталларини янада кўпайтириш мақсадида уни ер-сув олишга ҳамда енгил саноат корхоналарини қуришга тушдилар. Бомбей, Аҳмадодобод, Гужарот, Калькутта ва бошқа шаҳарларда тўқимачилик фабрикалари, пахта тозалаш заводлари барпо қилинди. Расмий манбалар маълумотига кўра, 1898 йилда Ҳиндистонда 177 та тўқимачилик фабрикаси бўлиб, уларнинг тўртдан уч қисмини ҳинд сармоядорлари қурганлар. Мамлакатда фабрика, заводлар қурилиши ва капиталистик муносабатлар ҳамда капиталистик ишлаб чиқаришнинг ривожини натижасида ишчилар синфи шакллана бошлади. XIX асрнинг 90-йилларида Ҳиндистонда ишчиларнинг сони 400 мингдан ошиб кетган. Ишчиларнинг асосий қисмини қашшоқ хунармандлар ва деҳқонлар ташкил этганлар. Ишчилар, деҳқонлар каби инглизлар ва маҳаллий сармоядорлар томонидан шафқатсиз эксплуатация қилинар эди. Бунинг устига иш ҳақи жуда оз эди. Ҳинд ишчиларининг яшаш шароити ва тирикчилик даражаси ниҳоятда оғир эди. Ҳинд ишчиларини ирқий, диний ва миллий жиҳатдан камситардилар. Бу ҳол айниқса инглизларга қарашли фабрикаларда яққол сезиларди. Ҳинд ишчилари иш ҳақи камлиги, иш соатларининг кўплиги, тирикчиликнинг оғирлигидан норози бўлиб, иш ташлай бошладилар. 80-90 йилларда Бомбей, Мадрас, Нагпур ва бошқа ҳудудларда иш ташлашлар кўпайди. Лекин, бу норозилик ҳаракатлари уюшмаган, қовушмаган ҳолда, режасиз, қатъий талабларсиз ўтарди. Шундай бўлсада, ишчиларнинг норозилик ҳаракатлари инглиз ва ҳинд сармоядорларини ташвишга соларди ва улар ишчиларга биров бўлсада ён босишга мажбур бўлардилар. Инглиз маъмурияти фабрикаларда ишлаш, моддий шарт-шароитларни тартибга соладиган қонун-қоидаларни жорий қилди. 1881 йилда қабул қилинган қонунга биноан болаларнинг фабрикаларга қабул қилиниши таъқиқланди. 1891 йилги қонунга кўра, фабрикаларда дам олиш кунлари жорий этилди. Шунингдек, ишчиларга маълум даражада енгиллик ва имтиёзлар берилди. Лекин бундай чора-тадбирлар қисман ижобий бўлсада, ишчиларнинг моддий аҳволини тубдан ўзгартирмади. Инглиз-ҳинд сармоядорлари ишчиларга ён бериш билан меҳнат аҳолисини лақиллатиш, алдаш



пайида эдилар. Уларнинг ягона мақсади фақат бойлик, мол-дунё орттириш эди, холос.

### Назорат учун саволлар:

1. 1858 йилда Англия парламенти қандай қонун қабул қилди?
2. Қайси давлат XIX асрнинг 60-йилларида “жаҳон устахонаси” номини олган?
3. 1898 йилда Ҳиндистонда нечта тўқимачилик фабрикаси бўлган?
4. Қайси қонунга биноан болаларни фабрикаларга ишга қабул қилиниш таъқиқланди?

## XIX АСР ОХИРИДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИ

Келгинди мустамлакачилар ва маҳаллий ҳукмдорларнинг зулм-жафоси, айниқса деҳқонларнинг силласини қуритди. Деҳқонлар ҳаракати, айниқса зулм кучайган ҳудудларда аланга олди. Юқорида қайд этилганидек, инглизлар фойда келтирадиган техника экинларини кўпайтириб, ундан катта даромад олардилар. Лекин деҳқонлар улушини олиб қолиб, уларга кам ҳақ тўлардилар. Масалан, Бенгалиянинг серҳосил туманларида нил бўёғи (индиго) етиштирилди. Индиго плантацияларидаги деҳқонлар худди қулдек ишлар, норози бўлганларнинг мол-мулки мусодара қилинар, ўзлари эса камокқа ташланарди. Жондан тўйган деҳқонлар индиго экишдан бош тортдилар ва исён кўтардилар. Инглизлар қурол кучи билан исённи бостиришга ҳаракат қилсаларда, исён авж олаверди. Бундан чўчиган инглизлар деҳқонларнинг талабларини қондиришга мажбур бўлдилар.

60-йиллардан бошлаб Панжоб вилоятида сикхларнинг мустамлакачиларга қарши ғалаёнлари кўтарилди. Ғалаёнларга Намхдари мазҳабининг раҳбарлари етакчилик қилдилар. Бу мазҳабнинг машҳур бошлиқларидан бўлмиш Рам Сингх аҳоли тенглигини, оддий, ҳалол яшашни, яхши хулқ-одоб қоидаларига риоя қилишни тарғиб этди. У аҳолининг табақаларга бўлинишини қоралади, сикхларни инглизлар томонидан жорий этилган қонун-қоидаларни инкор этишга даъват қилди. Шунингдек Рам Сингх мактаблар очиб, уларда ҳарбий таълим жорий этди, ҳамма дарслар панжоб тилида ўқитиладиган бўлди. Унинг ташаббуси билан камбағалларга бепул овқат тарқатадиган ошхоналар очилди. Тез вақт ичида намдхарларнинг обрў-эътибори кўтарилиб, уларнинг мухлислари кўпайиб борди. Расмий манбаларнинг ёзишича, Панжобда намдхар мазҳабининг тарафдорлари қарийб 100 минг

кишига етган. Шунинг таъкидлаш лозимки, намдхарлар ҳаракати диний ғоялар ва таълимотлар шиори остида фақат сикхларни ўз атрофига бирлаштирган. Намдхарлар сикхлар ва ҳиндуларни курашга чорлар эканлар, мусулмонларни ҳамкорликка даъват этмадилар. Шу боис аксарият мусулмон аҳолиси уларга эргашмади, қўшилмади. Бу эса қўзғолонни заифлаштиришда инглизларга дастак бўлди. Улар исёнкор сикхлар ва мусулмонлар ўртасида диний низолар, жанжаллар чиқариш билан қўзғолончиларга зарба бериш режаларини ишга солдилар. Маълумки, хиндлар сигирни муқаддас билиб, сигир гўштини емайдилар ва шу сабабли сигир сўйишни таъқиқлаганлар. Бу миллий урф-одатни билад туриб, англиз маъмурлари Амритсарда мусулмонлар учун махсус қассобхона куришга рухсат берадилар. Бундан ғазабланган намдхарлар қассобхонани бузиб ташлайдилар ва мусулмон қассобларини ўлдирадилар. Бунинг оқибатида сикхлар билан мусулмонлар ўртасида адоват, душманчилик кучаяди. Намдхарлар раҳнамози Рам Сингх бундай ваҳшийликни қораласада, реакцион руҳдаги мусулмонларга қарши гуруҳларга гапи ўтмайди. Умуман, намдхарлар ўртасида ҳам ўзаро келишмовчиликлар, низолар содир бўлади. Рам Сингх кўп марта намдхарларни ўзаро муросага, бирликка, бирдамликка ундайди. Лекин, ашаддий намдхарлар ўзбошимчалик қилиб, мусулмон аҳоли билан жанжални давом эттирадилар. Бундан фойдаланган мустамлакачилар намдхарлар ҳаракатини бостирадилар. Кўп исёнчилар отилган, осилган. Рам Сингх ва унинг яқин маслақдошлари сургун қилинганлар. Намдхарлар Рам Сингхнинг укаси Будх Сингх раҳбарлигида курашни давом эттирганлар. Будх Сингх руслардан ёрдам сўраб Тошкентга, Туркистон генерал-губернаторига элчи юборади ва русларни инглизларга қарши курашга даъват қилади. Лекин, инглизлар билан алоқани кескинлаштиришни хоҳламаган Россия Будх Сингх илтимосига ижобий жавоб бермайди. Шундан сўнг намдхарлар ҳаракати сўна бошлайди.

Махараштра ҳудудида ҳам кенг миқёсда мазлумлар исёни кўтарилди. Инглизлар ва феодал судхўрлар зулмидан жабрланган деҳқонлар золимларга қарши қуролли исён кўтардилар. 1873-1875 йилларда исёнга деҳқонлар раҳнамози Хонья Кенглия раҳбарлик қилди. Қўзғолончилар феодаллар ва судхўрларнинг мол-мулкига ўт қўйиб судхўрлар қўлидаги қарздорлик тилхатларини тортиб олиб ёқа бошлаганлар. Исёнчилар деярли икки йил давомида феодаллар ва судхўрлар зулмидан қутулиб, эркин яшадилар. Бироқ, 1875 йилнинг охирида мустамлакачилар мунтазам армия ёрдамида исёни

бостириб, Хоньяни асир олдилар. Лекин, Махараштрада халқ ҳаракатлари тўхтамади.

1879-1889 йиллари ғалаёнлар бутун вилоятни қамраб олди. Қўзғолонга илгари бой бўлган, сўнг камбағаллашиб қолган оиладан чиққан Бальвант Пхадке бошчилик қилди. У ўқимишли, билимли, зукко раҳбар бўлиб, халқнинг ғам-ташвишларини, азоб-уқубатларини ва мақсадларини яхши тушунарди. У яхши қуроолланган қўшин тўплаш, барча исёнчиларни бирлаштириш зарурлигини яхши тушунарди. Бунинг учун қатта маблағ керак эди. Маблағ тўплаш, қуроолли отрядлар тузиш мақсадида помешчиклар ва судхўрларнинг мол-мулклари, бисотлари тортиб олина бошланди.

Пхадке отрядлари феодалларга судхўрларга ҳужум қилар экан, улар қўлидаги қарздорлик тилхатларини ёқиб йўқ қилар ва минглаб деҳқонларни қарздорлик асоратидан халос этарди. Пхадке махсус кураш дастурини ишлаб чиққан эди. Дастурга кўра мамлакатдаги мустамлакачиларни ҳайдаб, республика тузумини барпо қилмоқчи эди. Айни пайтда озодлик кураши маҳаллий феодалларга ҳам қарши қаратилган эди. Бироқ, кураш дастурида хаёлпарастлик ғоялари ва диний ақидалар устувор бўлган. Пхадке ҳаракати инглизларни, маҳаллий ҳукмронларни ваҳимага солган бўлсада, умумхалқ ҳаракатига айланмади. Махараштрадаги қўзғолончилар бир бутун, ягона иттифоққа бирлашмадилар. Натижада, инглиз қўшинлари исёнларни бостиришга муваффақ бўлдилар. Махараштрадаги қўзғолонлар билан бир пайтда Ҳиндистоннинг бошқа вилоятлари ва туманларида халқ исёнлари авж олди. Колхাপур хонлигида, Мадрас ҳудудларидаги исёнлар партизан ҳаракатлари шаклида ривож олди. Айниқса, Дҳарон Чендрия исмли жасур қўмондон етакчилигидаги партизанлар инглизларга ва маҳаллий ҳукмронларга қакшатқич зарбалар бердилар. Бундан ваҳимага тушган инглизлар партизанларга қарши яхши қуроолланган армияни қарши қўйдилар. Айни пайтда инглизлар партизанлар орасида, айниқса уларнинг раҳбарлари ўртасида келишмовчилик, низолар қўзғашга улгурдилар. Бундай мустамлакачиларга хос иғво, ҳийла-найранг оқибатида исёнчилар орасида адоват, қарама-қаршилиқлар содир бўлди. Чендриянинг сафдошларидан бири хоинлик қилиб, унинг бошини кесиб инглизларга топширди. Маълумки, Ҳиндистоннинг тоғли ҳудудларида, чўл-биёбон зоналарида, борса-келмас ўрмонзорларида турли қабилалар яшарди. Уй-жойи, ер-сувидан жудо бўлган баъзи қочоқлар ҳам исёнга қўшилган эдилар. Қабилалар ҳам катта солиқлар, божлар ўлпонлар тўлашга, турли хизматларни бажаришга мажбур эдилар. Жабр-зулм, камситишлардан

тоқати тоқ бўлган қабилалар ҳам оёққа турдилар. Айниқса, Ҳиндистон билан Афғонистон ўртасидаги чегара туманларида яшовчи афғон қабилаларининг озодлик кураши жуда кучли бўлди. 1880-1890 йиллардаги халқ ҳаракатлари Англия мустамлакачилик тузумини, келгиндиларга ҳамтовок бўлмиш маҳаллий хукмронларни даҳшатга солди. XIX аср охирида аланга олган халқ ҳаракатлари, норозиликлар, ғалаёнлар, XX аср бошларида бўлажак қудратли инқилобий халқ ҳаракатларига, кенг миқёсдаги миллий-озодлик курашларига замин яратди.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Индиго нима?
2. XIX аср 60-йилларидан бошлаб қайси вилоятда сикхларнинг ғалаёнлари бошланди?
3. 1873-1875 йилларда Махараштра худудидаги исёнга ким бошчилик қилади?
4. 1879-1889 йиллардаги ғалаёнларга ким бошчилик қилади?

## **ҲИНДИСТОНДА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА МИЛЛИЙ БУРЖУАЗИЯНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

Ҳинд қишлоқларида мол-пул муносабатларининг ривожланиши ва чет эл фабрика молларининг арзон нархларда сотилиши оқибатида майда ҳунармандчилик маҳсулотлари инқирозга учради. Касб-ҳунардан синган ҳунармандлар ерсиз, ижарадор кишилар ёки уюшган ибтидоий майда саноатга бўлинар эди. XIX аср охирида ибтидоий саноат ривожланиб, мамлакатда саноат ишлаб чиқаришининг устувор соҳаси бўлиб қолган эди. У капитализмнинг бошланғич шакли сифатида ривожланар эди. Расмий маълумотларга кўра, бу майда саноатда 45 млн киши оиласи билан меҳнат қилар эди. Уларнинг турмуш ва меҳнат шароитлари ниҳоят даражада оғир эди. 14-15 соатлаб меҳнат қилган ишчиларнинг ойлик иш ҳақи 5-10 рупийдан ошмас эди. Айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган майда корхоналардаги ишчиларнинг аҳволи ниҳоятда оғир бўлган. Улар суткасига 20 соатлаб ишлаганлар. Капиталистик ишлаб чиқариш ва капиталистик муносабатлар бир вақтнинг ўзида майда ва йирик ишлаб чиқаришда қарор топа бошлади. Яъни, майда ибтидоий саноати билан бир каторда фабрика, завод саноати ҳам тараққий эта борди. Йирик миллий

саноат корхоналари даставвал Бомбейда барпо қилинди. Зотан, миллий буржуазиянинг йирик намоёндалари ва дастлабки фабрика- завод ишлари ҳам Бомбейда шаклланди. Бомбей савдогарлари фабрика, заводлар қуриш учун катта маблағ сарфладилар. Бу маблағлар асосан пахта савдосидан тўпланган эди. Йирик миллий савдогарлар, банкирлар, пулдор амалдорлар асосан Бомбейда, сўнгра Ахмадобод, Гужарат ва бошқа жойларда фабрика, заводлар қура бошладилар. Шакллана бошлаган ҳинд капиталистларининг энг сармоядори ва уддабурони Жамшид Тата эди. Унинг Бомбейда ва бошқа худудларда барпо қилинган фабрика, заводлари энг янги техника билан жиҳозланган бўлиб, хўжайинга катта даромад келтирар эди.

Юқорида қайд этилганидек, миллий саноат барпо бўлиши билан мамлакатда ишчилар синфи ҳам шакллана бошлади. 90-йилларда барча ишлаб чиқариш соҳаларидаги ишчиларнинг умумий сони 700-800 мингга етган эди. Миллий буржуазия ва ишчилар синфининг шаклланиш жараёнида буржуа миллатпарварлик ғоялари ва миллий ҳаракатлар вужудга кела бошлади. Айни бир пайтда капиталистик ишлаб чиқариш ривожланган жойларда сиёсий-ижтимоий миллий ташкилотлар пайдо бўла бошлади. Уларга чет элларда ўқиб келган, йирик помешчик, савдогарлар ва майда буржуа оилаларидан чиққан зиёлилар бошчилик қилдилар. Йирик миллий буржуазия измидаги миллий ташкилотлар инглизлар билан мурасасозлик сиёсатини юргизар, майда буржуа демократлар уюшган миллий ташкилотлар эса инглизларга ҳамда маҳаллий ҳукмронларга қарши қураш шиорларини илгари сурардилар. Айниқса, Бенгалияда майда буржуа демократик ҳаракатлар кенг тарқалди. Унинг таниқли вакилларида бири бўлмиш Банхим Чандра Чаттержи шундай сиёсий дастурни илгари сурди: «Инглизларга хос барча нарсаларни тугатиш вақти келди. Биз ўз қўлимиз билан миллий мактаблар, коллежлар, миллий матбуотни, банкларни ва савдо палатасини бунёд этмоғимиз даркордир. Биз ўз завод ва фабрикаларимизни, фирмалар ва портларимизни қурмоғимиз лозим». У шунингдек, инглиз молларини бойкот қилишга чақирди. Майда буржуа демократларидан ташқари миллий ҳаракатнинг либерал (мурасасоз) оқимлари ва ташкилотлари вужудга келди. Либераллар халқ оммасининг мустамлакачиликка ва маҳаллий ҳукмронларга қарши кескин қурашини инкор этиб, фақат норозиликлар уюштиришга даъват қилдилар. Бомбейда ва Маҳараштрада ташкил топган либерал оқимлар ва ташкилотлар ҳам халқ оммасининг туб манфаатларини ҳимоя қила олмадилар. Улар фақат инглизларнинг сиёсий-иқтисодий мавқеларини чеклаш керак, дейишдан нари ўтолмадилар. Бомбей либераллари эса

мустамлакачиларга қарши инқилобий курашларга очиқдан очиқ қарши чиқдилар. Кейинчалик Маҳараштрадаги миллий ҳаракатларда демократик оқимлар вужудга келди. Демократик ҳаракатга Ҳиндистондаги миллий ҳаракатнинг таникли арбобларидан бири Бал Гангадхар Тилак раҳбарлик қилди. Тилак ва унинг сафдошлари миллий буржуазиянинг барча табақаларини ҳимоя қилиб чиқдилар. Улар инглиз товарларининг бойкот килинишини ташвиқ этдилар. Шунингдек, зиёлиларни ватанпарварлик, миллатпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий маориф ва маданиятни ривожлантириш шиорини кўтариб чиқдилар. Тилак раҳбарлик қилган гуруҳларда миллий ҳаракатнинг бир-бирига қарши икки оқими вужудга келди. Тилак тарафдорлари сиёсий курашлар ғоясини ташвиқ қилсалар, бошқа гуруҳлар эса ижтимоий талабларни, моддий-маиший ислоҳотлар ўтказиш шиорини кўтариб чиқдилар.

Ҳиндистоннинг шимолий ва жанубий ўлкаларида ҳам миллий ҳаракатлар, турли миллий оқимлар, миллий ташкилотлар пайдо бўлди. Улар Бенгалия ва Бомбейдаги миллий ҳаракатлардан фарқи бор эди. Шимолий ва жанубий ўлкаларда ташкил топган миллий жамиятлар ва ташкилотлар асосан маърифий талаблар билан чиқар, маърифий ислоҳотлар ва чора-тадбирлар ўтказиш тарафдори эди. Оллоҳободда тузилган «Ҳинду самаж», Мадрасдаги «Ерлилар маҳаллий ассоциацияси» ва «Мадрас Маҳаджана сабха» аталмиш миллий жамиятлар аҳоли ўртасида маърифий ва маданий ташвиқот ишларини олиб бордилар.

Миллий ҳаракатлар жўш урган Бенгалияда дин никобидаги реформаторлик ҳаракатлари ривожлана бошлади. Брахманлардан ташкил топган «Брахма самаж» (Брахманлар жамияти), «Ади Брахма самаж» деб номланган ташкилотлар индуизмни ислоҳ этиш зарурлигини тарғиб этдилар. Бу ташкилотлар ҳам «Фақат маърифат орқали зулмдан қутулиш мумкин», деган шиорни илгари сурардилар.

Худудларда ва мусулмон аҳоли кўпроқ туманларда мусулмон майда буржуазия вакилларининг ҳам миллий ҳаракати кенгайиб борди. Миллий ҳаракатнинг мусулмон раҳбарлари инглизларга қарши кураш маориф ва маърифат воситасида олиб бориш зарурлигини таъкидлардилар. Бундай ҳаракатлар кўпроқ диний ақидалар, ғоялар ва диний тарғиботлар руҳида бўларди.

Гарчанд аҳолининг 22,4 фоизини мусулмонлар ташкил этсада, мусулмон феодал зиёлилари ҳиндларга нисбатан билим олишда имтиёзлари ва имкониятлари чекланган эди. Уларнинг кўпи инглиз тилини билмас, дунёвий илмлардан нўноқ, кўпроқ диний илмни ўрганар эдилар. Шу боис ҳам мусулмон зиёлилари Ғарбнинг илм-

фанидан кам хабардор эдилар. Худди шу сабабга кўра улар оммани маърифатли қилиш, дунёвий илмларни ҳамда ғарб маориф, маданиятини тарғиб қилар эдилар.

1860-70 йилларда Калькуттада, Бенгалия ва бошқа ҳудудларда маърифий мусулмон ташкилотлари, жамиятлари ташкил топа бошлади. 1877 йилда Калькутта шаҳрида дастлабки миллий мусулмонлар уюшмаси тузилди. 80-йилларга келиб Бенгалия ҳудудларида ва бошқа вилоятларда бу уюшманинг 30 дан ортиқ бўлимлари очилди. Миллий ҳаракатнинг ўсиб, кенгайиб бориши билан бирга мусулмонлардан таниқли ватанпарвар, маърифатпарварлар етишиб чиқди. Шулардан бири Саид Аҳмадхон (1817-1898) эди. У ўзига тўқ, маърифатли феодал оиласида ўсиб улғайган билимдон маърифатчи эди. Саид Аҳмадхон инглизларга қарши куч ишлатиш ва куролли курашга қарши эди. Лекин у феодал қолдиқлар, қолоқликни, ислом ақидаларини, уламоларнинг қолоқ фикрларини қоралаб чиқди. Саид Аҳмадхон форс ва араб тилида олиб борилаётган эскича диний таълим-тарбия ўрнига дунёвий илм ўрганишни тарғиб этди. У ислом қонун-қоидаларини замонга мослаб ҳам, унинг тарғибот ва ташвиқотлари тараққийпарвар руҳда бўлса ҳам у инглизлар билан муросасозлик ва тил топишга ҳаракат қилди. Саид Аҳмадхон фикрича, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга инглизлар ёрдами, мадади билан эришмоқ мумкин экан. У мусулмонлар ва ҳиндларни ўзаро иттифоққа, бирликка чақирди. Саид Аҳмадхоннинг маърифий фаолияти англиз маъмурларига маъқул эди, улар ҳам миллий ҳаракатларни сусайтириш, заифлаштиришда Саид Аҳмадхон талаблари ва тарғиботларидан фойдаланишга, уларни маълум даражада бажаришга ҳаракат қилдилар. Жумладан, 1885 йилда вице-қирол махсус фармон чиқариб, маъмурий аппаратларга кўпроқ мусулмонлардан жалб қилиш ҳақида фармойиш берди. Бу билан мустамлакачилар ҳиндлар билан мусулмонлар ўртасида низолар, жанжаллар чиқаришни кўзлаган эдилар. Бироқ зулм-истибодга қарши миллий ҳаракатлар мусулмонлар ва ҳиндларни бир-бирига қовуштирди, бирлаштирди. XIX аср охирилари ва XX аср бошларида ҳиндлар ҳам, мусулмонлар ҳам бир жон, бир тан бўлиб озодлик йўлида жонбозлик кўрсатдилар.

### Назорат учун саволлар:

1. XIX аср охириларида Ҳиндистондаги демократик ҳаракат-ларга ким раҳбарлик қилади?

2. “Брахма самаж”, “Ади Брахма самаж” ташкилотлари қандай ғояларни тарғиб қилишади?
3. 1860-1870 йилларда қайси вилоятларда маърифий мусулмон жамиятлари ташкил топади?
4. Дастлабки миллий мусулмонлар уюшмаси қачон ва қайси шаҳарда тузилади?

## ҲИНДИСТОН МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИДА МИЛЛИЙ КОНГРЕССНИНГ ЎРНИ

Мамлакатда миллий ҳаракатларнинг кучайиши Англия мустамлакачиларини саросимага солиб қўйди. Улар халқ ҳаракатларини бўғиш учун турли куч ва воситаларни ишга солдилар. Ватанпарвар кучларни бостириш мақсадида улар ўртасида ирқий, диний низолар, адоватлар қўзғашга уриндилар. Миллий ҳаракат раҳбарларини пора бериш, имтиёзлар ваъда қилиш орқали йўлдан урмоқчи бўлдилар. Айни пайтда инглизлар озодлик курашини куч ишлатиш, дўқ-пўписалар билан бостиришга уриндилар. Бироқ мустамлакачилар ҳинд халқининг миллий-озодлик ҳаракатларини тўхтата олмадилар. 80-йиллардан бошлаб миллий ҳаракатларда туб ўзгаришлар юз берди. Халқнинг норозилик намоёишлари, митинг ва иш ташлашлар, умуман мамлакат миқёсида уюшган, бирлашган ҳолда ўтказиладиган бўлди. Миллий ҳаракат раҳбарлари ватанпарвар кучларни бирлаштириш лозимлигини тушуниб етдилар. Айниқса, Бенгалия миллатпарварлари уюшган ягона миллий ташкилот тузиш учун жон куйдирдилар. 1883 йилда Калькуттада оммавий митинг бўлиб, ягона миллий ташкилот учун жамғарма тўплашга қарор қилинди. 1884 йилда Мадрасда Ҳиндистондаги турли миллий ташкилотларнинг катта анжумани чақирилди. Бу анжуман Умумҳиндистон миллий ҳаракатининг ягона ташкилоти Миллий Конгресснинг дастлабки дебчаси бўлди. 1886 йилда Бомбейда барча миллий ташкилотларнинг конференцияси чақирилди. Унда 72 та делегат қатнашди. 1884 йилги Мадрас анжуманида кўпроқ йirik буржуазия вакилларининг таъсири катта бўлган бўлса, Бомбей конференциясида ҳинд либераллари ва майда буржуа вакиллари кўпгина муҳим демократик шиорлар ва талабларни ўртага ташладилар. Лекин конференция делегатлари ҳайъатида буржуазия, помещиклар вакиллари кўпроқ, яъни 60 фоизни ташкил қилган эди. Конференция қарорларида қатор сиёсий ва иқтисодий талаблар қўйилди. Жумладан, вилоятлардаги кенгашларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, Ҳиндистон маблағларини мустамлакачилик урушларига сарфламаслик



ҳақида резолюциялар қабул қилинди. Конференция делегатларининг хоҳиш-иродасига кўра мазкур анжуман Ҳиндистон Миллий Конгресси деб аталди. Ўзининг ташкилий структураси, формаси, шакл-шамойилига кўра Конгресс буржуазиянинг сиёсий партияси эмас эди. Унинг бошқарув органлари ҳамда жойларда маҳаллий ташкилотлари тузилмади. Фақат бош котиб лавозими ташкил этилди. Лекин Конгресснинг ҳар йилги сессияларида умумий сиёсий ҳаракат ва дастурлар ишлаб чиқиларди. У вужудга келиши билан Ҳиндистонда миллий ҳаракатларнинг янги босқичи бошланди. Миллий Конгресс дастлабки вақтларда ҳинд буржуазияси ва миллий кайфиятдаги помещчикларнинг манфаатларини акс эттирди, ҳимоя қилди. Миллий Конгресснинг Англия билан мурося қилиш тарафдорлари кескин сиёсий ва иқтисодий талабларни қўймадилар. Аммо Конгрессдаги либераллар қатор муҳим иқтисодий талабларни илгари сурдилар. Улар мустамлакачилик сиёсати мамлакат иқтисодиётини хароб этаётгани, халқ қашшоқлашиб бораётгани ҳақида гапирар, инглизларнинг иқтисодий тажовузига барҳам беришни талаб қилардилар. Шунингдек, мамлакатда миллий саноатни ҳамда савдо-сотикни ривожлантириш зарурлигини қайта-қайта такрорлар эдилар. Бироқ мамлакат иқтисодининг замини бўлмиш аграр масалада чуқур ислоҳотлар ўтказиш ҳақида буржуа вакиллари ҳам, либераллар ҳам лом-мим демадилар. Аксинча, улар аҳолининг, айниқса, деҳқонларнинг инқилобий курашларини инкор этардилар.

Миллий Конгресснинг ташкил топиши мусулмонларнинг маърифий ва диний ислоҳотчи руҳидаги ташкилотлар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатди. Улар Конгресс сессияларида фаол иштирок эта бошладилар. Агар Конгресснинг I сессиясида битта мусулмон қатнашган бўлса, иккинчи сессиясида 81, учинчи сессияда эса 254 мусулмон иштирок этди. Лекин, йирик мусулмон помещчиклар конгресс дастурларини маъқулламадилар. Мусулмон помещчиклар савдо-судхўрлар буржуазияси, ҳатто Конгресс фаолиятини қоралаб чиқдилар. Саид Аҳмаджон ҳам Конгрессда норозилигини билдирди. Бу билан у мустамлакачилар тегирмонига сув қуйди. Саид Аҳмадга эргашган мусулмон ташкилотлари ва жамиятлари мусулмонлар ирқий ва диний жиҳатдан камситиляпти, деган гапларни тарқатдилар. Бундан фойдаланган инглизлар ҳиндлар билан мусулмонлар ўртасида, Миллий Конгресс билан мусулмон диний ташкилотлари ўртасида бир неча бор низолар, жанжаллар чиқаришга муваффақ бўлдилар.

Миллий Конгресс ташкил топгандан сўнг мустамлакачилик зулми кучая борди. Мустамлакачилар билан миллий буржуазия ўртасидаги

сиёсий-иқтисодий зиддиятлар, қарама-қаршиликлар ҳам кескинлаша борди. Айни пайтда жойлардаги миллий ташкилотларда, миллий ҳаракатларда демократик оқимлар кучая борди. Айниқса, Махараштрада Балл Гангадхар Тилак (1856-1920) раҳбарлигидаги демократик миллий ҳаракат барча ватанпарвар, тараққийпарвар кучларни ўз атрофига бирлаштира бошлади. Тилак ақл-заковатли тарихчи олим эди. Унинг нутқлари, мақолалари кенг халқ оммасига тушунарли ва маъқул бўлди. Чунки, у кўпинча мазлумлар манфаатини ҳимоя қилар эди. Тилак гарчанд кўзғолон тарафдори бўлмасада, халқни мустамлакачиларга қарши курашга чорлади. «Агар уйимизга кириб олган ўғрини ҳайдаб чиқаришга кучимиз етмаса эшикни ёпиб олиб ўт қўйиш даркордир», - деган эди Тилак. Аграр муаммоларни ҳал этиш, халқ оммасини феодал зулмдан озод қилиш ҳақида Тилак аниқ радикал талабларни ўртага ташламади. У Миллий Конгресс ишида фаол қатнашиб, Конгресснинг сўл демократик оқимини ташкил этди ва унга раҳбарлик қилди. Тилак раҳбарлигидаги майда буржуа демократлар умуммиллий озодлик ҳаракатининг янги босқичини бошлаб бердилар.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Ҳиндистон Миллий Конгресси қачон ташкил этилади?
2. 1883 йилда қайси шаҳарда оммавий митинг бўлиб ўтади?
3. 1884 йилда Мадрасда қандай анжуман бўлиб ўтади?
4. Балл Гангадхар Тилак ким ва у қандай ғояни илгари суради?

## **ҲИНДИСТОННИНГ XIX АСР БОШЛАРИДАГИ СИЁСІЙ ВА ИЖТИМОІЙ-ІҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ**

XX аср бошларига келиб, Англия дунё микёсида саноат ва савдосотик соҳасидаги устунлигини кўлдан бой берди. Европадаги иқтисодий устунликдан ажраган Англия ҳукмронлари иқтисодий талофотларни Ҳиндистон ҳисобига тўлдириш пайига тушдилар. Шу боис мамлакат бойликларини кўпроқ ўмариш, халқни кўпроқ эксплуатация қилиш режаларини амалга ошира бошладилар. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, Англия мустамлакачилари хорижий Шарқдаги тажовузкорлик сиёсатларини ҳам Ҳиндистон ҳисобидан амалга оширдилар. Яъни, XIX аср охирилари – XX аср бошларида олиб борилган мустамлакачилик урушлари ҳамда Шарқдаги ҳарбий денгиз флотини мустаҳкамлаш, мустамлака армиясининг барча сарф-харажатлари ҳинд халқи ҳисобидан бўларди. Масалан, биргина иккинчи

Англия-Афғон урушига 1878-1880 йиллари ҳинд халқининг чўнтагидан 20 млн фунт стерлинг соғурилди. Ҳиндистонда йиғилган барча солиқларнинг деярли ярми мустамлакачилик армиясини сақлаб туриш ва боқишга кетарди. Яъни ҳар йили йиғиладиган 44 млн фунт стерлинг солиқнинг 34 млн. фунт стерлинги армияга ва мустамлакачиларнинг ҳамёнига тушарди. Бу ҳам етмаганидек, Англия ҳукмронлари ҳинд меҳнаткашларини янада кўпроқ ишлашга мажбур қилардилар. Мустамлакачиларга ён босган маҳаллий ҳукмдорлар ҳам халқни эзишда келгиндилардақ қолишмадилар. Ердан олинадиган солиқлар миқдори йилдан йилга кўпая борди. Хонавайрон бўлган деҳқонлар ерларини сотишга, ўз насибаларидан батамом жудо бўлишга мажбур бўлдилар. Расмий маълумотларга кўра, барча деҳқонларнинг деярли 30 фоизи ер-мулкларидан жудо бўлганлар. Бу ерлар асосан йирик помешчиклар ва судхўрлар қўлига ўтган. Уларнинг даромадлари эса йилдан йилга ўсган. 1902-1903 йилларда ҳинд судхўрларининг даромади 190 млн. рупийга етган. Заминдор феодаллар, князларнинг йиллик даромади 125 млн. рупийдан ошиб кетган. Ўта муҳтожлик ва қашшоқликнинг авж олиши оқибатида мамлакатда очлик, турли даҳшатли касалликлар кўпайиб кетган. Фақат 1906-1908 йилларда очликдан 10 млн. дан зиёд киши ўлган. Шу йиллари кенг тарқалган вабо касаллигидан 6 млн. дан ошиқ киши ҳалок бўлган.

Ҳиндистон аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ғоят оғирлашган бир пайтда мустамлакачилар миллий ҳаракатларни бугиш, ривожланиб бораётган майда буржуа демократлар ва зиёлиларнинг тараққийпарвар ва маърифатпарвар ҳаракатларини заифлаштириш учун барча куч ва имкониятларини ишга солдилар. 1899 йилда Ҳиндистоннинг генерал-губернатори бўлган лорд Керзон ашаддий мустамлакачилардан бўлиб, мустамлакачилик сиёсатини қаттиққўллик билан ўтказди. У ҳинд ва мусулмонларни ёмон кўрадиган, камситадиган ашаддий ирқчи эди. Керзон мамлакатдаги барча миллий ташкилотлар, жамиятлар, жумладан Миллий Конгресс фаолиятини чеклашга қаттиқ киришди. Шунингдек, миллий ҳаракат ривожига ҳисса қўшаётган миллий матбуот ва маориф, маърифат тараққиётини бугиш чораларини кўрди. У оммани курашга тайёрлашда матбуотнинг муҳим роль ўйнашини яхши биларди. Шунинг учун ҳам Керзон матбуот устидан қаттиқ назорат ўрнатди. Қайси газета ёки журнал мустамлакачи маъмуриятни ёки мустамлакачи амалдорларни танқид қилса, катта жарима солинадиган, муҳаррир эса қамоққа ташланадиган бўлди. Миллий ташкилотлар ва жамиятлар фаолияти ҳам полиция назоратига олинди. Полициячилар ва полиция харажатлари икки баробар

кўпайтирилди. Маълумки, маърифатли зиёлилар миллий ҳаракатларнинг фаол иштирокчиларидир. Ўқимишли, маълумотли кишилар Ватан қадрини, халқининг хошиш-иродасини, дарду-аламларини яхши билдилар. Шу боисдан ҳам ғарб олий ўқув юртларида таълим олган, шунингдек Ҳиндистондаги мавжуд олий ва ўрта мактабларида ўқиган зиёлилар миллий ҳаракатнинг олдинги сафларида эдилар. Буни ҳам яхши тушунган Керзон маҳаллий ёшларнинг маърифат йўлларини беркитиш чораларини кўрди. 1904 йилда Ҳиндистон университетлари ҳақида махсус қарор чиқарилди. Бу қарорга кўра, университетларда ўқиш ҳақи бир неча марта оширилди. Шунингдек, университетлар фаолияти ҳамда талабаларнинг ўқиш ва яшаши устидан маъмурий назорат кучайтирилди. Университет кенгашларидаги ҳинд вакилларининг сони ҳам қисқартирилди.

### **Назорат учун саволлар:**

1. 1899 йилда Ҳиндистоннинг генерал-губернатори ким эди?
2. 1904 йилда Ҳиндистонда қандай махсус қарор чиқарилди?
3. 1906-1908 йилларда очликдан неча киши ҳалок бўлади?
4. XX аср бошларига келиб қайси давлат дунё миқёсида саноат ва савдо-сотик соҳасидаги устунлигини кўлдан бой берди?

## **XX АСР БОШЛАРИДА МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ**

Маълумки, Бенгалия вилояти миллий-озодлик ҳаракатларининг ўчоғи эди. Миллий ҳаракатларнинг энг машҳур раҳнамолари ҳам Бенгалиядан етишиб чиққан эдилар. Дастлабки миллий ташкилотлар ва жамиятлар ҳам Бенгалияда ташкил топган. Ана шу миллий-озодлик ҳаракатларининг пайини қирқиб мақсадида Керзон Бенгалияни икки қисмга бўлиб ташлайди. Бенгалия вилоятининг ҳамда унга қирган Бихар ва Ориссанинг умумий аҳолиси 78 миллион кишидан ошди. Уларнинг ярми ҳиндлар, қолганлари мусулмонлар ва бошқа миллатлар эди. Ғарбий Бенгалияда асосан ҳиндлар, Шарқий Бенгалияда эса мусулмон аҳолиси бўлиб, улар бир-бирига қарши қўйилди. Бенгалияни бўлишдан мақсад – ирқий ва диний тафовутни кучайтириш, бу билан ҳиндлар ва мусулмонлар ўтасида низо, жанжаллар чиқариш ва миллий ҳаракатларга зарба бериш эди. Керзон ўз сиёсати ҳақида Англия парламентида ҳисобот берар экан, Бенгалияни бўлиб ташлаш билан

Бенгал халқининг Англияга қарши жипслашган, уюшган курашини ҳамда бу курашнинг бутун Ҳиндистонга тарқалишини жиловлаяжагини мактаниб гапирган эди. Бенгалияни иккига ажратиш билан бу катта вилоятнинг иқтисодий қувватини заифлаштириш ҳам кўзда тутилган эди. Шунингдек, ривожланиб бораётган Бенгалия иқтисодиёти Ҳиндистоннинг бошқа вилоятлари билан иқтисодий жиҳатдан узвий боғланиб, уларни орқасидан эргаштириб кетаётган эди. Бенгалия бошқа вилоятлар, худудлар учун нафақат иқтисодий тараққиёт намунаси, балки маориф ва маданият ривожини билан ҳам ибрат ва намуна ролини ўйнади. Шунинг учун ҳам Англия устамонлик билан пухта тайёрланган режаларга асосланиб Бенгалияни бўлиб ташлади.

Англия ҳукмронларининг «бўлиб ташла, сўнгра ҳокимлик қил» сиёсати Бенгалияда мислсиз норозиликка сабаб бўлди. 1905 йил 16 октябрда, яъни Бенгалияни бўлиш ҳақида қонун кучга кирган сана умуммиллий мотам куни деб эълон қилинди. Аҳоли кўчаларга чиқди. Шу куни барча фабрика ва заводлар, корхоналар, савдо-сотиқ дўконлари, транспорт ва алоқа воситалари ишламади. Халқ миллий ҳаракат гимни бўлмиш «Байде матарам»-«Она ватанни қутлаймиз» ашуласини баралла айтиб, Ганг дарёсида муқаддас таҳоратни адо этиб, оммавий митинг ўтказдилар. Митингда бу умумхалқ норозиликлари ва митингларида миллий буржуазия ҳамда помешчиклар ҳам фаол иштирок этдилар. Чунки Бенгалиянинг бўлиниши уларнинг иқтисодий манфаатларига зарар етказарди. Шу боисдан ҳам инглизларга қарши Бенгалияда авж олган «Свадешини» (ўз ерим, ўз мол-мулким бўлсин) ҳаракатини қўллаб-қувватладилар. Бенгалия аҳолисининг норозилик ҳаракати «Свадешини» шиори билан, «ўз миллий саноати», яъни инглиз молларини бойкот қилиш билан ҳамоҳанг равишда кенгайиб борди. Намойишчилар барча аҳолини инглиз кийимларини киймасликка, инглиз озиқ-овқатларини емасликка чақирдилар. Англия молларининг қўлаб келиши натижасида Бенгалиянинг миллий саноати суст ривожланаётган, миллий буржуазия эса катта моддий зарар кўраётган эди. «Свадешини» ҳаракати эса миллий буржуазия манфаатларига хизмат қилгани учун бу шиор унга жуда маъқул бўлган эди. Миллий буржуазия халқни токи ғалаба қилгунча «Свадешини» ҳаракатини давом эттиришга даъват қилди. Бенгалиядаги норозилик митинглари, намоишлар ва «Свадешини» ҳаракати Ҳиндистоннинг бошқа вилоятларида, айниқса Шимолий Ҳиндистонда кенг тус олди. Ўша пайтларда Шимолий Ҳиндистонда шакар ишлаб чиқариш ривожланиш палласига кирган пайтда инглиз шакари арзон нархларда сотилиб, маҳаллий шакар саноатига катта зарар келтираётган эди. «Свадешини» ҳаракатидан

фойдаланган маҳаллий саноатчилар чет элдан келтирилган шакарларга бойкот эълон қилдилар. Шунингдек, Калькутта, Бомбей ва бошқа худудларда миллий саноат компаниялари, фирмалари ташкил этила бошланди. Махсус тарғиботчилар фақат ҳинд молларини сотиб олишни, ҳинд молларини истеъмол қилишни ташвиқот қилдилар. Кўп вилоят ва шаҳарларда миллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондлари ташкил қилиниб, маблағлар йиғила бошланди. Шундай қилиб, 1905 йилда бошланган миллий ҳаракатнинг янги босқичи ҳам сиёсий ва иқтисодий тус олди. Миллий Конгресс аъзолари ва бошқа миллий ҳаракат ташкилотлари ҳамда уларнинг раҳбарлари орасида озодлик курашининг методлари ҳақида баҳслар, мунозаралар кучайди. Мустақил кучлар кескин озодлик курашига вақт эрта десалар, радикал кучлар мустамлакачиларга қарши курашиш ишларини олға сурдилар. Ҳатто қуролли кураш тарафдорлари бўлган яширин миллий ташкилотлар вужудга келди. Радикал руҳдаги газеталар, журналлар, рисоалар, варақалар оммани кескин курашга даъват эта бошлади. «Биз тўлиқ мустақилликни ҳолаймиз, чет эл ҳукмронлиги батамом тугатилмас экан, мамлакатимиз тараққиёти йўлга туша олмайди. Свадеши ва бойкотлар фақат тўлиқ мустақил бўлиш учун восита ва омил бўлиши даркордир», - деб ёзганди Бенгалияда чиқадиган «Сандхья» газетаси. Яширин миллий ташкилотлар буржуа демократик позициясида туриб, оммани миллий озодлик курашига чорлади. Буржуа демократик руҳдаги миллатпарвар кучлар, ҳатто Ҳиндистонда республика тузиш талабини илгари сурдилар. Улар ирки, жинси ва этниқодидан қатъи назар барча ҳинду ва мусулмонларни муқаддас курашда ўзаро бирлашишга чақирдилар. Радикаллар сиёсий ва иқтисодий мустақиллик учун курашар эканлар, феодал зулми, тузумни тугатишни эмас, балки феодаллар ва помешчикларнинг имтиёзлар ва ҳуқуқларини чеклашни лозим топдилар. Бенгалияда аланга олган миллий- озодлик ҳаракатини йирик корхона, фабрика ва заводларнинг ишчи-хизматчилари қўллаб-қувватладилар. 1906 йилнинг июль ойида Шарқий Ҳиндистон темир йўлининг Бенгалия участкасида оммавий иш ташлашлар содир бўлди. Темир йўлчилар иқтисодий ва сиёсий талаблар билан чиқдилар. Ҳиндистонда дастлабки темир йўлчилар касаба уюшмаси тузилди. Темирйўлчиларга тўқимачилик, жут фабрикаларининг, босмахоналарнинг ишчи-хизматчилари қўшилди. Айни пайтда ҳунармандлар ҳам бош кўтардилар. 1857-1859 йилларда бўлиб ўтган сипоҳийлар қўзғолонининг 50 йиллиги муносабати билан миллий-озодлик ҳаракатлари янада қулоқ ёйди. Айниқса, Панжобдаги ғалаёнлар инглиз мустамлакачиларини ваҳимага солди. Норозилик митинглари ва намойишларда

ҳатто сипохийлар ҳам қатнашди. Бенгалия вилоятининг шаҳар ва туманларида намоишчилар билан полиция ва армия ўртасида қонли тўқнашувлар бўлди. 1907 йилда Панжоб ва Бенгалияда авж олган миллий-озодлик кураши Англия мустамлакачилик ҳукмронлигини ларзага солди. Мустамлакачилар озодлик ҳаракатига раҳна солиш мақсадида яна синалган қуролларни ишга солдилар. Миллий ҳаракатлар ва уларнинг раҳбарлари орасида келишмовчилик, низолар чиқариш, ирқий ва диний адоват ва фитналар уюштириш усулларидан фойдаланилди. Масалан, мусулмонларга баъзи имтиёзлар ва энгиликлар берилди, шаҳар ва вилоятлардаги муниципал органларга кўпроқ мусулмонлар жалб қилинадиган бўлди. 1906 йилда инглизлар умумҳиндистон мусулмонларининг ягона сиёсий ташкилоти мусулмон лигасининг ташкил қилинишини маъқулладилар. Мусулмон лигасининг раҳбари этиб Ғахакон сайланди. Лигага йирик помешчиклар ва судхўр савдогарлар аъзо бўлдилар. Мусулмон Лигаси инглизлар билан келишиш сиёсатини юргиза бошлади. Ҳатто Лига Бенгалиянинг бўлинишини маъқуллаган ва «Свадеш» ҳаракатига қарши чиққан. Шарқий Бенгалияда инглизлар томонидан очик ва яширин равишда уюштирилган мусулмонларнинг митинглари ва намоишлари ўтказилди. Мусулмонлар ҳиндларга қарши шиорларни кўтариб чиқдилар. 1907 йилда ҳиндлар билан мусулмонлар ўртасида қонли тўқнашувлар юз берди. Мустамлакачилар миллий ташкилотлар, жамиятлар ва айниқса Миллий Конгресс ичида оғмачилик, бузғунчилик қўзғашга зўр бердилар. Айни пайтда маҳаллий ҳукмронларини инглизлар томонига оғдириб олиш учун бутун куч ва имкониятларини ишга солдилар. Миллий-озодлик ҳаракатлари авж олган сари инглиз капитали билан мустаҳкам алоқада бўлган йирик феодал помешчиклар, савдогарлар саросимага тушиб қолдилар. Чунки, инглиз молларининг бойкоти, мамлакатдаги тартибсизликлар натижасида катта моддий зарар кўра бошладилар. Бундан ташқари, улар инқилобий ҳаракатлар ғолиб чиқса, ҳокимиятдан, мол-мулкларидан жудо бўлишдан ғоят қўрқардилар. 1907 йил давомида Бенгалиянинг либерал доиралари, помешчиклар, руҳонийлар инглизларни қўллаб-қувватлаган намоишлар ўтказганлар. Йирик заминдорлар ватанпарвар кучларни бебошлик, ўзбошимчаликда айблаб, миллий ҳаракатларни қоралаб чиқдилар.

Миллий озодлик ҳаракатидаги тобора кескинлашиб бораётган икки оқим кураши, яъни либераллар-муътадиллар билан радикаллар ўртасида келишмовчиликлар ва зиддиятлар Миллий конгресс фаолиятида ҳам яққол сезила бошлади. 1907 йилнинг декабрь ойида Миллий Конгресснинг навбатдаги сессияси чақирилди. Конгресс

хайъатидаги икки оким ўртасида кескин баҳслар, ҳатто жанжаллар содир бўлди. Муътадил либераллар бойкотни тезда тўхтатишни, миллий ҳаракатда куч ишлатмасликни қатъий талаб қилдилар. Улар радикал руҳдаги делегатларни кескин қоралаб, Миллий Конгресс фаолиятини ўз назоратларига олишга уриндилар. Радикаллар либералларнинг сессиядаги ҳатти-ҳаракатларини Ватанга, халққа қарши сотқинлик сиёсати деб баҳоладилар. Лекин, радикаллар сон жиҳатдан Миллий Конгресс сессиясида озчилик бўлганлиги сабабли уларнинг талаб ва таклифлари ўтмади. Аксинча, Тилак бошлик радикаллар Конгрессдан ҳайдалдилар. Шундан сўнг Бенгалияда миллий-озодлик ҳаракати тўхтаса-да, Бомбей, Калькутта, Карачи ва Ҳиндистоннинг жанубий ҳудудларида шиддатли халқ ҳаракатлари давом этди. 1908 йилнинг бошларида Бомбейдаги тўқимачилик фабрикаларининг 10 мингдан зиёд ишчиси, Калькутта телеграфчилари иш ташладилар. Жанубдаги Гинневали ва Тутикорин шаҳарларида «Свадешӣ» ҳаракатлари, митинг ва намойишлар бошланди. Траванкур князлигида ғалаёнчилар полиция участкаларини тор-мор этиб, полициячиларнинг таъзирини бердилар. Бенгалиядаги яширин ташкилотлар инглиз амалдорлари ва миллий ҳаракат сотқинларига қарши террорчилик ҳаракатларини бошлаб юбордилар. Улар ашаддий инглиз амалдорларини, баъзи маҳаллий сотқинларни қатл этиш билан шуғуллана бошладилар. Террорчилик ҳаракатини бостириш баҳонасида мустамлакачилар миллий озодлик ҳаракатлари раҳбарларига нисбатан навбатдаги қувғин, таъқибларни кучайтирдилар. Қатор яширин ташкилотлар тор-мор қилиниб, улар устидан жиной жавобгарлик кўзғатилди. Инглизлар Тилак ва унинг сафдошларини ҳам террорчиликда айбладилар. Тилак террорчиликни қораласада, у бошчилик қилган радикаллар устидан иғво, тухматлар ёғдирилди. Инқилобий руҳдаги газета ва журналлар ёпиб қўйилди, сиёсий курашлар, митинглар таъқиқланди.

1908 йилнинг июль ойида Тилак қамоққа олиниб, судга берилди. Инглиз маъмурлари Тилакни террорчиларни қўллаб-қувватлаган дея айблай бошлаганлар. Суд жараёнида Тилак ўзига ўзи адвокат бўлди. У суд жараёнида мустамлакачиларнинг барча кирдикорларини далиллар ва исботлар билан фош этиб ташлади. Минг-минглаб ватанпарварлар суд биноси олдида тўпланиб, инглизларга лаънатлар айтар, Тилакни озод қилишни талаб қилар эдилар. Инглизлар жуда кўп полиция ва қўшинлар кучи билан намойишчиларни кўриқлаб турдилар. Инглизлардан иборат бўлган суд ҳайъати Тилак айби тасдиқланмасада, уни 6 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди. Қасддан уюштирилган суд ва унинг



адолатсиз ҳукми Бенгалиядаги барча миллий кучларни оёққа турғазди. Вилютнинг ҳамма шаҳар ва туманларида ҳам, Ҳиндистоннинг бошқа худудларида ҳам норозилик намоишлари, митинглар ва иш ташлашлар авжига чиқди. 1908 йилнинг 23 июлида, яъни суд ҳукми эълон қилинган кун Бомбейдаги саноат корхоналари, фабрика, заводлар, темир йўл ва алоқа объектларида иш тўхтатилди. Бозорлар, дўконлар, биржалар ёпилди. Деярли 100 минг киши кўчага чиқди. Намойишлар, митингларда қатнашган халойиқ инглизларни қоралаб, Тилакнинг озод қилинишини талаб қилдилар. Инглиз полициячилари билан намоишчилар ўртасида қонли тўқнашувлар, олишувлар бўлди. Олти кун давом этган намоишлар, иш ташлашларда 200 дан ортиқ киши нобуд бўлди. Лекин мустамлакачилар Бомбейдаги қудратли халқ ҳаракатини бўға олмадилар. 1908 йилдаги Бомбейдаги қудратли миллий-озодлик кураши бутун Ҳиндистондаги миллатпарвар, ватанпарвар кучларни жунбушга келтирди, барча мазлумларнинг кўзини очди. Бомбей воқеалари фақат Ҳиндистонга эмас, балки барча Осиё давлатларига инқилобий таъсир ўтказди. Умуман, Ҳиндистондаги 1905-1908 йиллардаги миллий-озодлик ҳаракатлари, халқ ғалаёнлари, иш ташлашлар, норозилик намоишлари, митинглар инглиз ҳукмронлигининг таг-томирига зарба берди. 1906-1909 йиллардаги миллий ҳаракатлар бўлажак ва келажакдаги қудратли озодлик курашларига мустаҳкам замин ҳозирлади, миллионлаб мазлумларни янги, муқаддас интиқомга рағбатлантирди.

1906-1908 йиллардаги озодлик курашларининг буюк аҳамиятини таъкидлар эканмиз, унинг мағлубият сабабларини ҳам кўрсатмоқ даркордир, албатта. Сабаблардан энг муҳими шуки, инглизлар устунлик қилдилар. Улар пул билан миллий ҳаракатдаги оғмачилик гуруҳларини сотиб олар, миллий кучларни бир-бирига қарши қўйган эдилар. Мустамлакачиликдан орттирилган беҳисоб бойлик, шу бойлик эгаси бўлмиш ҳинд халқини бўғишга, қиришга сарфланарди. Мағлубият сабабларидан яна муҳими миллий ташкилотлардаги, айниқса, Миллий Конгрессдаги қарама-қаршиликлар, зиддиятлардир. Шунингдек, ягона кураш дастурининг йўқлиги, миллий ташкилотларнинг тарқоқлиги, миллий буржуазия ва йирик помешчиклар, судхўр савдогарларнинг сотқинлиги сабабли 1906-1908 йиллардаги озодлик курашлари мағлубиятга учради. Яна сабаблардан бири инглизлар ҳиндлар билан мусулмон аҳолиси ўртасида ирқий ва диний низоларни доимо кўзгаб турганлигидадир.

## Назорат учун саволлар:

1. 1905 йил 16 октябрь куни нима сабабдан умуммиллий мотам куни деб эълон қилинди?
2. “Свадешӣ” сўзининг маъноси нима?
3. “Свадешӣ” ҳаракати қайси ғояларни қўллаб-қувватлайди?
4. Тилак қачон қамоққа олинади?

## БИРИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ВА ҲИНДИСТОН

1906-1908 йиллардаги қудратли миллий озодлик курашларида мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида маълум ўзгаришлар юз берди.

Инқилобий ҳаракатлардан аччиқ сабоқ олган Англия ҳукмронлари Ҳиндистон генерал-губернатори қошидаги қонун чиқарувчи кенгашларнинг ҳуқуқларини бир оз кенгайтди, уларга сайланадиган маҳаллий вакиллар сони кўпайтирилди. Англия ҳукумати Бенгалияни бўлиш ҳақидаги қонунни бекор қилиб, Шарқий ва Ғарбий Бенгалия қайта бирлаштирилди. Собиқ бирлашган Бенгалия таркибидаги Бихар, Орисса ва Ассам мустақил вилоятларга айлантилди. Маълумки, Бенгалия вилояти ва айниқса Калькутта шаҳри миллий-озодлик ҳаракатларининг ўчоғи, маркази эди. Калькутта шаҳри Ҳиндистоннинг пойтахти ҳам эди. Инглизлар ана шу исёнкор пойтахтни тинч-осойишта Дехлига кўчирдилар. Бундай юзаки ислохотлар миллий либерал доираларга манзур бўлди. Улар Бенгалиянинг қайта бирлашуви мўътадил либералларнинг галабаси бўлди, дея жар солдилар. Айни пайтда улар Тилак бошлиқ буржуа демократик доираларни, радикалларни яна қоралашга тушдилар.

Биринчи жаҳон уруши арафасида мамлакатда капиталистик ишлаб чиқариш ривожлана бошлади. Лекин, иқтисодий тараққиётнинг фойдасини кўпроқ инглизлар кўрдилар. Ҳиндистон ҳамон инглиз молларининг бозори, Англия саноатининг хом ашё базаси бўлиб қолаверди. 1909 йилда 111 миллион фунт стерлинглик мол Ҳиндистондан олиб кетилган бўлса, 1912 йилда 161 миллион фунт стерлинглик мол экспорт қилинди. Импорт эса 76 млн. фунт стерлингдан 110 млн. фунт стерлингга кўпайди. Ҳиндистон саноатига капитал жойлаштириш ва ўзаро савдо-сотиклардан инглизлар катта даромад қилавердилар. Расмий маълумотларга кўра, фақат 1914 йилда Ҳиндистондан 78 млн. фунт стерлинг даромад қилдилар. Англия банклари, сармоядорлари мамлакатнинг асосий ишлаб чиқариш корхоналарини ўз

қўлларида маҳкам ушлаб турдилар, йирик завод ва фабрикалар, темир йўллар, алоқа воситаларига сарфланган маблағнинг асосий қисми инглиз ҳукмронларига тегишли эди.

Маълумки, Биринчи жаҳон урушидан айниқса, мустамлака халқлари жабрландилар. Чунки, урушга кетган моддий маблағ аввало мустамлакалар ҳисобидан сарфланди. Бундан ташқари мустамлакалардан миллионлаб солдатлар сафарбар этилди. Масалан, мустамлака армиясига Ҳиндистондан 1 млн. 200 минг сипохийлар сафарбар этилган. Бу армияни боқиш, қуроллантиришга Ҳиндистон ҳисобидан йилига 30 млн фунт стерлинг харажат қилинарди. Ҳиндистон Англия армиясини озиқ-овқат маҳсулотлари билан ҳам таъминлаб турди. 1915 йилдан то уруш тамом бўлгунча Ҳиндистондан 3 млн. тоннадан ошиқ буғдой ташиб кетилди. Шунингдек, 2,5 млн. тонна ўсимлик ёғи, 2 млн. тонна жун армия эҳтиёжига сарфланди. Шунингдек армия учун 137 млн. фунт стерлинглик тўқимачилик маҳсулотлари Ҳиндистондан олинди. Армиянинг кийим-кечаги, оёқ кийимлари ҳам ҳинд маҳсулотларидан тайёрланди. Энди ривожланиб келаётган Татага тегишли саноат корхоналари ҳам армия эҳтиёжи учун кўплаб маҳсулотлар етказиб берди. Жумладан, уруш йиллари Тата заводларидан 300 минг тоннага яқин пўлат маҳсулотлари олиб кетилди. Урушга кетаётган сарф-харажатларни қоплаш учун империалистлар ҳинд халқидан, мамлакатдан ундириладиган солиқларни кўпайтирдилар. 1916-1918 йилларда турли солиқлар 81 млн. фунт стерлингдан 123,3 млн. фунт стерлингга, ҳарбий харажатлар 21,8 млн. фунт стерлингдан 47,8 млн. фунт стерлингга етди. Ҳиндистондаги мустамлака аппаратига сарфланадиган хар йилги харажат 17,4 млн. фунт стерлингдан 21,6 млн. фунт стерлингга кўпайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Биринчи жаҳон уруши Ҳиндистонга жуда катта моддий зарар етказсада, уруш даврида баъзи саноат тармоқлари анчагина ривожланди. Чунончи, Ҳиндистон металлургия саноати 30 фоиз, ип-газлама тўқимачилик саноати 39 фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Зотан, уруш даврида маҳаллий сармоядорлар, йирик капитал эгалари унчалик катта зарар кўрганлари йўқ. Аксинча, уларнинг мазлумлар ҳисобига орттирадиган даромадлари анчагина кўпайди. Жумладан, енгил саноат эгалари уруш йилларида урушдан илгаригига нисбатан деярли икки баробар даромад олдилар. Шунинг учун ҳам Ҳиндистоннинг ҳукмрон табақалари биринчи жаҳон урушида Англияни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турдилар. Улар уруш жамғармасига 100 млн. фунт стерлинг қўшдилар. Ҳатто Миллий Конгресс арбоблари, буржуа демократлар ва радикаллар

ҳам уруш жамғармасига маблағ йиғишда фаол иштирок этдилар. Бунинг сабаби шуки, улар агар Англия ўрнига бошқа мустамлакачилар келса, Ҳиндистоннинг аҳолиси баттар бўлади, деб ўйладилар. Бундан ташқари ҳинд ёшлари урушда қатнашиб, ҳарбий ҳунар орттирадилар, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан пишадилар, соғлом бўладилар деб ишондилар. 1914 йилда бўлиб ўтган Миллий Конгресснинг навбатдаги сессияси урушда қатнашаётган Англияни ёқлаб чиқди ва унга ғалаба тилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, йил сайин мустаҳкамланиб бораётган миллий буржуазия катта маблағ тўплаш билан бирга, миллий ҳаракатларни ўз қўлига олишга жиддий киришди. 1916 йилда Миллий Конгресс билан Мусулмон лигаси ҳамкорлик ҳақида битим туздилар ва биргаликда ҳаракат қилишга аҳдлашдилар. Миллий ҳаракат кучлари ўзаро келишувга келар эканлар, бундан уларнинг кўзлаган мақсадлари ва режалари бор эди, албатта. Миллий ҳаракат кучларининг мақсад ва дастурлари ҳар хил бўлсада, улар миллий-озодлик курашида ижобий рол ўйнадилар. Миллионлаб мазлумлар миллий ҳаракат раҳбарлари раҳнамолигида зулм-истибдодга қарши курашдилар. Биринчи жаҳон уруши даврида, айниқса урушдан кейинги йилларда Ҳиндистонда мустамлака зулмига қарши мазлумлар кураши янги босқичга кўтарилди. Бу босқичда Ғарб мамлакатларининг, жумладан Англия ҳукмронларининг ҳам мустамлакачилик сиёсатида катта ўзгаришлар содир бўлди. Шунингдек, миллий-озодлик курашлари ҳам янгича усуллар ва кўринишларда ривожланди.

### **Назорат учун саволлар:**

1. 1914 йилда бўлиб ўтган Ҳиндистон Миллий Конгресси биринчи жаҳон урушида қатнашаётган қайси давлатни ёқлаб чиқди?
2. Миллий Конгресс ва Мусулмон лигаси қачон ҳамкорлик ҳақида битим туздилар?
3. Биринчи жаҳон урушида мустамлака армиясига Ҳиндистондан неча киши жалб қилинди?
4. Биринчи жаҳон уруши даврида қайси шаҳар Ҳиндистоннинг пойтахти эди?

## МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
Бобурийлар даврида Ҳиндистон.....	4
Ҳиндистон Бобур ворислари даврида.....	6
Бобурийлар салтанатининг таназулга юз тутиши.....	15
Ҳиндистонда инглизлар истилосининг бошланиши.....	20
Сипоҳийлар қўзғолони.....	31
Ҳиндистоннинг XIX аср иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳволи.....	35
XIX аср охирида миллий озодлик ҳаракати.....	40
Ҳиндистонда бозор муносабатларининг ривожланиши ва миллий буржуазиянинг шаклланиши.....	43
Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракатида Миллий Конгресснинг ўрни.....	47
Ҳиндистоннинг XX аср бошларидаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳволи.....	50
XX аср бошларида миллий озодлик ҳаракатлари.....	52
Биринчи жаҳон уруши ва Ҳиндистон.....	57

---

Рўзимат ЖҲРАЕВ, Наримон ДЕҲҚОНОВ

## ҲИНДИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ

**Muharrir:**

**Tex. muharrir:**

**Musahhih:**

**Nurbek ABDULLAYEV**

**Dilmurod UMAROV**

**Husniddin INOMOV**

*2010 y 4 mayda terishga berildi. 2010 yil 5 iyunda bosishga ruxsat etildi. Bichimi 60x84  
Hajmi 3,75 bosma taboq. Ofset usuli. Buyurtma № 25. Adadi 300 nusxa.*

*Namangan» nashriyoti*

*Namangan shahri, Navoiy ko'chasi, 36-uy*

---

*“Фахризода” КТКК (Дустлик шохқучаси 2Ауи)да тайёрланди*

